2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 213 (1274), 2024 йил 22 октябрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ЗАМОНАВИЙ “ЯШИЛ” ЛОЙИҲАЛАР ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ ЯХШИЛАНИШИ ВА ЦИРКУЛЯР ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 октябрь куни Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети — “Green University”да бўлди.



Илгари бу соҳада яхлит олий таълим даргоҳи йўқ эди. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 31 майдаги қарори асосида ташкил этилган мазкур университетда замонавий экологик йўналишлар қамраб олинди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида мамлакатимизда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш чоралари кўрилмоқда. Маълумки, бу иқлим ўзгаришлари, сув ва энергетика софлиги, соғлиқ, таълим, истеъмол ва ишлаб чиқариш каби 17 та фаровонлик вазифаларини қамраб олган бўлиб, улар кўп жиҳатдан кадрлар малакасига боғлиқ. Шу боис, университетда атроф-муҳит ва барқарор бошқарув, атроф-муҳит ва иқтисодиёт, экология ва давлат бошқаруви, барқарор ривожланиш, барқарор молия, экология ҳуқуқи, атроф-муҳит соҳасида оммавий коммуникациялар йўналишлари очилган.

450 ўринга мўлжалланган ўқув биноси таъмирланиб, замонавий шароитлар яратилган. Хоналар соҳага доир анжомлар, компьютерлар ва сунъий интеллект ускуналари билан жиҳозланган. Таълим инглиз тилида олиб борилади. Бунинг учун АҚШ, Буюк Британия, Мексика ва Франциядан чет эллик ўқитувчилар ҳам жалб этилган.

Президент университет мутахассислари ва талабалари билан суҳбатлашди.

— Ҳозир экология худди рақамли технологиялардай долзарб. Келажакда ҳамма соҳа атроф-муҳит билан ҳамоҳанг бўлади. Шунинг учун бу ерда экологик иқтисодиёт, молия, ҳуқуқ каби йўналишлар ташкил этилди. Энди дуал таълимни кенгайтириб, бу ердаги билимларни тезроқ жойларда татбиқ қилиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга экология соҳасида қуйи бўғин кадрларини тайёрлаш бўйича Қорақалпоғистон ва ҳар бир вилоятда техникумлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Университетда хорижий олий таълим ташкилотлари билан академик ва касбий тажриба алмашиш йўлга қўйилган. Ўқув дастурлари улар билан ҳамкорликда, “фан — таълим — ишлаб чиқариш интеграцияси” тамойили асосида ишлаб чиқилган.

Замонавий лаборатория талабаларни илмга жалб этиш, тажрибасини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Унда ер, сув, биохилма-хиллик ва чиқинди намуналари ҳар хил муҳитда текширилиб, илмий хулосалар берилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу лабораторияни ҳам кўздан кечирди.

— Бу ерда илмий салоҳият, зарур ускуналар бор. Бундан самарали фойдаланиш керак. Масалан, ер-сув шароитлари оғир туманлар бўйича шартнома асосида таҳлиллар ўтказиш мумкин. Бу икки томонлама манфаатли бўлади, — деди Президент.

Давоми 2-бетда

ЯШИЛЛИК, ОБОДЛИК, АВВАЛО, ЎЗИМИЗ УЧУН КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 21 октябрь куни “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута экиб, яшиллик миқёсини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш мақсади белгиланган. Сўнгги йилларда бу кўрсаткич 12 фоизга етди.

Бу йил баҳорда 138 миллион дона кўчат экилди. Йил бошидан буён 10 минг гектардан зиёд “яшил белбоғ”, вазирлик ва ҳокимликлар 257 та боғ барпо қилди. Оролбўйида яшил қоплама 2 миллион гектардан ошди.

Жорий йилдан бошлаб йўл, дарё ва каналларга туташ 2 минг гектар ер 10 минг аҳоли ва тадбиркорларга экиш учун ижарага берилди. “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида бюджетдан 49 миллиард сўм ажратилиб, маҳаллаларда 215 та янги боғ яратиляпти.

Бу саъй-ҳаракатлар Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи, Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижро органи томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Лекин айрим жойларда шундай хайрли ишда сусткашликка йўл қўйилгани афсусланарли. Баъзи туманларда суғориш тизими йўқ ерга кўчат ўтқазилган ёки кесилган дарахтлар ўрнига янгилари экилмаган.

Йиғилишда ҳозирги мавсум ва келгуси йилга мўлжалланган вазифалар белгилаб олинди.

Аввало, юртимиз иқлимига мос кўчатларни кўпайтириш лозимлиги таъкидланди. Хусусан, Фанлар академияси, экология, қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги, карантин тизимидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий ўқув юртлари, ин-витро лабораториялари билан самарали ишланса, уруғ ва кўчат етиштиришдан 2-3 баробар кўп даромад топиш мумкин. Илм ҳам ривожланади.

Кейинги йил Нукус, Арнасой, Қоракўл ва Муборак туманларида сувсизлик ва шўрга чидамли галофит ўсимлигидан иборат 4 та боғ барпо қилинади. Шунингдек, Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразмнинг 250 минг гектар чўлида сув талаб этмайдиган саксовул, қандим, черкез уруғлари дрон билан экилади.

Баҳор мавсумидан ўрмон хўжаликларида соғлом оналик плантациясини танлаш орқали йилига 1,5 минг тонна уруғ тайёрланади. Жанубий Корея тажрибаси бўйича сувсизликка чидамли, иқлим шароитига мос ёпиқ илдизли контейнер ва ин-витро усулида 2 миллион кўчат олиш йўлга қўйилади. Маҳмуд Мирзаев номидаги институтнинг Самарқанд, Хоразм, Тошкент ва Фарғона водийсидаги ерларида йилига 10 миллион дона мевали ниҳоллар етиштирилади.

Кўчат экиш ишларини ҳам уюшқоқлик билан ташкил этиш имкониятлари кўрсатиб ўтилди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни, она тилимизнинг барча ихлосмандларини бугунги улуғ айём — Ўзбек тили байрами ҳамда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 35 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Маълумки, миллий тил ҳар бир маданий халқнинг тарихи ва ўзлигини, руҳий-маънавий дунёсини ўзида акс эттирадиган тенгсиз бойликдир. Қадимий тарихимизнинг энг оғир ва синовли даврларида ҳам бизни ягона халқ сифатида бирлаштириб, азалий қадриятларимизни асрлар оша безавол сақлаб келаётган она тилимизни ҳар қанча ардоқласак, улуғласак арзийди.

Бугунги кунда юртимизда давлат тилини ривожлантириш, унинг нуфузи ва мавқеини ошириш, халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга қаратилган катта ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда кўплаб идоравий ҳужжатлар давлат тилига ўтказилди, 100 мингдан ортиқ географик объектнинг номи давлат реестрига киритилди, ҳудудлардаги 150 мингдан зиёд ташқи ёзувлар давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилди.

Янги пайдо бўлаётган замонавий тушунчаларга ном бериш, сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритишни тизимли йўлга қўйиш учун Атамалар комиссиясининг фаолияти тубдан такомиллаштирилди, бу борада аниқ илмий мезонлар ишлаб чиқилди.

Ўтган йилдан эътиборан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тизими яратилгани тегишли ҳужжатларнинг давлат тили талабларига мос ва услубий жиҳатдан пухта тайёрланишига хизмат қилмоқда.

Раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг ўзбек тили бўйича билим даражасини аниқлаш мақсадида миллий тест тизими жорий этилиб, қисқа вақт ичида 3 мингдан зиёд талабгорнинг қарийб 1 минг 500 нафарига давлат тилини билиш бўйича сертификатлар берилди.

Давлат тили асосларини чуқур ва атрофлича ўрганишни таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан 58 номдаги қомус, луғат ва қўлланмалар кўп минг нусхаларда чоп этилди.

Айниқса, кейинги йилларда ўзбек тилини рақамлаштириш борасида жиддий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекча матнларни сунъий интеллект ёрдамида қайта ишлаш ва ўзбек тилида мулоқот қилишга мўлжалланган “ақлли” дастур ишлаб чиқилиб, “Ўзбек тили изоҳли луғати”нинг веб-сайти яратилди.

Айни пайтда ўзбек тилидаги матнларни таҳрир қилиш, уларни лотин ва кирилл ёзувига ўгириш ва сўзларнинг луғавий маъносини кўрсатишга мўлжалланган электрон дастурлар ҳам амалиётда фаол қўлланмоқда.

2025 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим мактабларида миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили ўқитувчиларига маошининг 50 фоизи миқдорида ойлик устама ҳақ тўланиши она тилимиз фидойиларининг шарафли меҳнатини рағбатлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Барчамизга аёнки, бадиий таржима тил тараққиётида улкан аҳамиятга эга. Яқинда мамлакатимизда бадиий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот таъсис этилгани ҳам, ишонамизки, ўзбек тили ва адабиётини янада бойитиш ва дунёга кенг тарғиб этишда муҳим омил бўлади.

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ватанпарвар ўғил-қизларимизнинг салоҳияти ёрдамида “Википедия” халқаро интернет энциклопедиясидаги ўзбекча маълумотлар ҳажми кескин кўпайиб, давлат тилида эълон қилинаётган мақолалар ҳажми бўйича Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида етакчи мамлакатга айлангани эътиборлидир.

Ўтган даврда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида турли ташкилот ва идораларда меҳнат қилаётган 33 мингдан ортиқ ходим ўқитилди. Шунингдек, ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган ватандошларимиз учун ушбу марказ ва унинг ҳудудий бўлимларида бепул ўқув курслари йўлга қўйилди.

Шу ўринда бағрикенг диёримизда аҳиллиноқ яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларининг тили, анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш бўйича ҳам муҳим ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Жумладан, республикамиз мактабларида таълим-тарбия жараёни 7 та тилда йўлга қўйилган бўлиб, 160 га яқин миллий маданий марказ ҳамда қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларидаги оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда.

Марказий телерадиоканаллар орқали ўзбек тилини ўрганишга бағишланган кўрсатув ва эшиттиришларнинг мунтазам бериб борилаётгани юртимизда яшаётган бошқа миллат вакилларининг давлат тилини ўзлаштиришига катта ҳисса қўшмоқда.

Азиз дўстлар!

Ўзбек тилининг беқиёс имкониятларини юзага чиқариш, унинг жаҳон миқёсида нуфузи ва жозибадорлигини ошириш учун ҳали олдимизда кўплаб вазифалар турибди.

Аввало, юксак тараққий этган демократик давлатларда бўлгани каби давлат тили бутун жамиятни, тили ва миллатидан қатъи назар, барча фуқароларни ягона халқ сифатида бирлаштиришга хизмат қилиши зарур. Бу борада ҳар қандай халқ учун ўта ҳассос ва таъсирчан бўлган тил масаласида ортиқча эҳтирос ва ҳиссиётларга берилмасдан, узоқни ўйлаб, вазминлик билан иш тутиш кераклигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Зеро, давлат тили фақатгина соҳа мутахассисларининг эмас, балки кўп миллатли бутун халқимизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари, ақл-заковати, маънавий-маърифий салоҳияти, ватанпарварлик фазилатлари билан равнақ топади.

Мамлакатимизда қонунга ҳурмат ва итоат муҳитини таъминлаш, жумладан, “Давлат тили тўғрисида”ги қонунни ҳаётимизга изчил татбиқ қилишда барчамиз юксак маданият ва ўзаро бир-бирини англаш туйғусини намоён этишимиз лозим.

Бу борада барча таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш орқали таълим сифатини оширишга эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Телерадиоканаллар ва интернет сайтларида давлат тилини ўрганишга ёрдам берадиган дастурларнинг сони ва эфир вақтларини кўпайтириш, мустақил тил ўрганувчилар учун қўшимча адабиётлар, луғат ва қўлланмалар нашр этиш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Рақамли маконда давлат тилини кенг жорий этишга мўлжалланган ишларни янги босқичга кўтариш, ўзбек тилини ахборот технологиялари соҳасидаги йирик дастурлар тили қаторига киритиш чораларини кўриш ҳам долзарб вазифамиз бўлиб қолади.

Муҳтарам юртдошлар!

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда янги ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ўзбек тилимизнинг бойлиги, куч-қудрати янада зиёда бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БУГУНИМИЗ ҲАМ, ЭРТАМИЗ ҲАМ АТРОФ-МУҲИТГА АДОЛАТЛИ МУНОСАБАТИМИЗГА БОҒЛИҚ

Баъзан кичик кўнгилсизликлар ортидан катта ташвишлар пайдо бўлади. Ҳаётимизда арзимас туюлган нарсалар, воқеалар жиддий ҳодисага айлана боради. Бу билан кишилик жамиятининг бугунги қиёфаси ҳақида сўз юритмоқчимиз. Албатта, мақоламизнинг бундай тус олишига жуда муҳим асослар бор. Гап шундаки, куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети — “Green University”да бўлди. Шунингдек, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, улардан электр энергияси ва маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.



Давлатимиз раҳбари чиқиндиларни қайта ишлаш заводлари қурилиши лойиҳаси билан танишар экан, жумладан, **“Булар шунчаки завод эмас, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалалардан бири. Ер-сувларимизнинг яроқлилиги ҳам, аҳоли саломатлиги ҳам, ҳаво тозалигию энергетика барқарорлиги ҳам шу соҳага боғлиқ. Чиқиндилар тўғри тўпланиб, кўпроқ қайта ишланса, экологик мувозанат яхшиланади, табиат тоза бўлади, жамият ўзгаради”**, деди.

Давоми 2-бетда

МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТЯБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

SAYLOV 2024 27-OKTABR MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

Мазкур мақолалар Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-бетга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 26 сентябрдаги фармони билан, Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 22 октябрь, 213-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ЗАМОНАВИЙ “ЯШИЛ” ЛОЙИҲАЛАР ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ ЯХШИЛАНИШИ ВА ЦИРКУЛЯР ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Муассасада фанлараро тадқиқотлар қилиш, инновацион педагогик услуб ва технологияларни ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот ва амалий билимларни интеграция қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув жараёни “Hub and Spoke” тамойили асосида ташкил этилган. Бу яхлит ўқув тизимини яратиш, ресурсларни оптималлаштириш, талабалар ва мутахассисларнинг ҳаракатчанлигини ошириш каби жиҳатлар билан ажралиб туради.

Университетнинг имкониятларини кенгайтириш учун келгусида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги ҳамда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги собиқ коллежлар бинолари таъмирланиб, кампусга айлантирилиши режалаштирилган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, улардан электр энергияси ва маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Юртимизда йилига 14 миллион тонна чиқиндилар ҳосил бўлади. Лекин уларнинг атиги 4-5 фоизи қайта ишланади. Чиқинди полигонларидан 7 миллион тоннадан зиёд иссиқхона газлари атмосферага чиқади, 43 минг тонна заҳарли фильтратлар ер остига сингади.

Чиқиндиларни қайта ишлаш орқали ҳам унинг табиатга таъсирини камайтириш, ҳам фойда олиш мумкин. Шу мақсадда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган. Қарийб 1 миллиард 300 миллион долларлик инвестицияларни жалб этган ҳолда, 8 та чиқинди ёқиш заводи қуриш ҳамда Оҳангарон полигонида чиқинди газини қайта ишлаш режалаштирилган.

Масалан, Хитойнинг “CAMC Engineering” компаниясининг 350 миллион доллар тўғридан тўғри инвестицияси ҳисобидан Андижон ва Тошкент вилоятларида 2 та завод барпо этилади. Уларда кунига 4 минг тонна чиқинди қайта ишланиб, йилига 630 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Бу соҳага Хитойнинг бошқа бир компанияси — “Shanghai SUS Environment” ҳам қизиқиш билдирган. У 310 миллион доллар тўғридан тўғри инвестиция киритиб, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида 2 та завод қуришни режалаштирган. Уларда кунига 3 минг тонна чиқинди қайта ишланиб, йилига 480 миллион киловатт-соат электр энергияси олинади.

Бирлашган Араб Амирликларининг “Tadweer Group” компаниясининг 200 миллион доллар маблағи эвазига Бухоро ва Навоий вилоятлари учун битта завод қурилади. Унда кунига 1 минг 500 тонна чиқиндини қайта ишлаш ва йилига 363 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати яратилади.

Корея Республикасининг “Sejin” компанияси иштирокидаги лойиҳа ҳам жуда муҳим. Унга кўра, 55 миллион доллар эвазига Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги маиший чиқинди полигонида ҳосил бўладиган газдан муқобил электр энергияси олиш йўлга қўйилади. Унинг қуввати 16 мегаватт бўлиши кўзда тутилган.

Умуман, лойиҳалар натижасида қаттиқ маиший чиқиндилардан оқилона фойдаланиш таъминланади. Йилига 4,7 миллион тоннадан ортиқ чиқинди ёқилиб, 2 миллиард 100 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. 97 миллион АҚШ доллари қийматидаги электр энергияси сотилади. Шунингдек, булар орқали 152 миллион метр куб табиий газ иқтисод қилинади ҳамда 2,4 миллион тонна иссиқхона газлари камаяди. 1 минг 200 та янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳалар 2025-2027 йилларда Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятига алоҳида урғу берди.

— Булар шунчаки завод эмас, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалалардан бири. Ер-сувларимизнинг яроқлилиги ҳам, аҳоли саломатлиги ҳам, ҳаво тозалигию энергетика барқарорлиги ҳам шу соҳага боғлиқ. Чиқиндилар тўғри тўпланиб, кўпроқ қайта ишланса, экологик мувозанат яхшиланади, табиат тоза бўлади, жамият ўзгаради, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, мутасаддиларга бу лойиҳаларни намунавий қилиб, ҳудудларда кўпайтириш бўйича кўрсатма берилди.

Ҳозир инвесторлар, ишлаб чиқарувчилар, биринчи навбатда, корхонасининг энергия таъминотини ўйлайди. Шунинг учун чиқиндини қайта ишлаш заводлари яқинида қурилиш материаллари, органик ўғитлар каби янги корхоналарни жойлаштириш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди. Бу тадбиркор учун ҳам, инвестор учун ҳам манфаатли бўлади.

Барча ҳудудларда бундай лойиҳаларни кўпайтириш ва мутаносиб ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Мамлакатимизда бу соҳа изчил такомиллаштириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 26 сентябрдаги фармони билан, Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Агентлик чиқиндиларни тўплаш, саралаш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш, ёқиш, утилизация қилиш ва уларни йўқ қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш билан шуғулланади. Бу соҳада циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш ҳисобига экологик вазият барқарорлашади, санитар ҳолат яхшиланади, аҳолига хавфли касалликлар юқиши камаяди. Чиқиндилар қайта ишланиб, муқобил энергия, хомашё ва органик ўғит олинади. Мавжуд чиқинди полигонлари ҳудудида экосаноат зоналари ташкил этилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбирлари

ЯШИЛЛИК, ОБОДЛИК, АВВАЛО, ЎЗИМИЗ УЧУН КЕРАК

Бошланиши 1-бетда

Бунда катта куч маҳаллаларда. Яшиллик, ободлик ҳам, аввало, одамларнинг ўзига керак. Шу боис, “маҳалла еттилиги” вакиллари ўзига бириктирилган кўчаларда 100 тупдан жами 6 миллион дона манзарали дарахт ўстиради. Шунингдек, бошқа кўчалар, бўш майдонлар ва кўп қаватли уйлар атрофида 3 миллион туп кўчат экилади. Умуман, маҳаллаларда 20 миллион дона манзарали ва мевали дарахт экса бўлади.

Ўрмон хўжалиги агентлигига барча маҳаллаларда ярмарка ташкил қилиб, 30 миллионта кўчат етказиб бериш вазифаси қўйилди. 20 мингдан зиёд таълим масканлари ва шифохоналар ҳудудида 2,5 миллионта, ёшларга бўлиб берилган 60 минг гектар ерда 1,5 миллионта дарахт экиш мумкинлиги айтилди.

Ҳокимликлар ва вазирликлар томонидан кузда 40 миллион туп кўчат экилиши режалаштирилган.

Хусусан, 13 та халқаро автомобиль йўли бўйида 9 миллион туп кўчат экилади. Яна 2 минг километр йўллар ёқаси шу мақсадда 10 минг фуқаро ва тадбиркорларга бўлиб берилади. Тошкент — Самарқанд ва Самарқанд — Қарши темир йўли бўйларига ҳам кўчат ўтқазилади. Дала четларида 21 миллион туп терак, тут ва узум етиштирилади.

Мудофаа вазирлиги 200 минг туп, Ички ишлар, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимларининг ҳар бири 100 минг тупдан кўчат экишга масъул бўлади. Чиқинди полигонлари атрофида “яшил белбоғ” барпо этилади.

Қайд этилганидек, кейинги йилда “Яшил макон” лойиҳаси учун 100 миллиард сўм ажратилади. Эндиликда дарахтларни 3 йил парваришлаш, касалликдан сақлаш, суғориш харажатлари ҳам инвестиция дастурига киритилади.

Суғориш бўйича икки хил тажриба амалга оширилади. Хусусан, 27 та туманда биттадан қудуқ қазишга рухсат берилади. Баҳорда 14 та туманнинг тоғ ва адир қияликларида қават-қават қилиб, 500 гектар дарахт экилади.

Вилоятларда “Менинг боғим” лойиҳаси бўйича яшил ҳудудлар ва жамоат парклари барпо этиш юзасидан топшириқлар берилди. Бу майдонлар экиш мавсумигача “Очиқ бюджет” порталига қўйилиб, дарахт турлари бўйича тавсия ва уларнинг нархи кўрсатилади. Шу билан бирга, парваришлашда масъулиятсизлик қилган шахсларни мобил илова орқали огоҳлантириш тизими йўлга қўйилади.

Сўнгги вақтларда юртимизда чанг бўронлари тез-тез содир бўлаётгани қайд этилди. Бунга глобал иқлим ўзгариши билан бирга дарахтларнинг ноқонуний кесилиши, сув камайиши, чорва тартибсиз боқилиши ҳам сабаб бўлмоқда. Чўллардаги ўсимликлар турлари ҳам кескин камайган.

Давлатимиз раҳбари аҳоли кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича энг катта захира яйловлар эканини таъкидлади.

Шу боис, 16 миллион гектар яйлов ерларини бошқариш Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига ўтказилиши белгиланди. Қўмитага чўлларни деградациядан чиқариш бўйича уч йиллик дастур тайёрлаш вазифаси топширилди. Келгуси йилда бу мақсадлар учун дастлаб 50 миллион доллар грант маблағлари жалб қилинади.

Соҳага тааллуқли яна бир муаммо — чўл ўсимликлари қопламаси йўқолиб кетаётганидир. Шу сабабли мутасаддиларга Бухоро ва Навоий вилоятларининг чўл ва ярим чўл ҳудудларида яшил майдонларни кўпайтириш бўйича кўрсатма берилди.

“Ўзбеккосмос” агентлиги билан биргаликда чўлларда экологик ҳолатни мониторинг қилиш платформаси яратилади. Ўрмон хўжалиги агентлигининг бу йўналишдаги масъулияти оширилади. Эндиликда у чўлланишга қарши курашиш билан ҳам шуғулланади, ҳокимликлар қошидаги “Йўл кўклам” ташкилотлари агентлик тизимига ўтади.

Агентликка Фанлар академияси билан биргаликда 20 гектарда тажриба-синов майдончаси ташкил қилиб, деградацияга учраган яйловларни қайта тикловчи ўсимликларни етиштириш вазифаси қўйилди.

Президентимиз жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтди. Аҳолини жисмоний соғломлаштириш, спорт, юриш ва тўғри овқатланиш бўйича янги ёндашувларни жорий қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддиларнинг ахборот ва режалари эшитилди.

ЎзА

БУГУНИМИЗ ҲАМ, ЭРТАМИЗ ҲАМ АТРОФ-МУҲИТГА АДОЛАТЛИ МУНОСАБАТИМИЗГА БОҒЛИҚ

Бошланиши 1-бетда

Бу ниҳоятда жиддий гап. Тўғри таъкидланганидек, экологияни асраб-авайлаш ҳаёт-мамот масаласи. Президентимиз куйинчаклик билан айтган бу гаплар бизни кенг мушоҳадага, чуқур таҳлилга чорлади.

Ҳаётда инсон учун муҳим нарсалар, воситалар кўп. Соғлиқ муҳим, шунинг учун дуога қўл очганимизда соғлик-омонлик бўлсин, дея сўраймиз. Тинчлик ҳам қадрли, шу боис, турли бало-қазолардан асраш ҳақида ният қиламиз. Аммо буларнинг барчаси табиат билан бевосита боғлиқ эканини кўп ҳам ёдга олавермаймиз.

XXI асрнинг ҳаёт майдони инсониятни турфа синовларга дуч қилмоқда. Тинч-омон кунларнинг қадрига етиш фурсати ҳар он бизни таъқиб қиляпти. Шундай таҳликали бир шароитда инсон табиат билан уйғун яшашга интилиши ҳар қачонгидан-да муҳим бўлиб қолаверади.

Гап ўзани экологик вазият билан боғлиқ бугунги манзарага бурилмоқда. Табиатдаги ҳар бир ўзгаришда ҳаётий ахборотлар, келажак қўнғироғининг баралла овози бор. Аммо бефарқлик қусури бизни кўп ташвишга қўяётгани ҳам бор гап, кўз юмиб бўлмас ҳақиқат.

Шу маънода айтиш жоизки, атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши, чиқиндилар масаласи ҳар биримизни жиддий ўйлантириши керак. Такрор айтамиз, Президентимиз таъкидлаганидек, ер-сувларимизнинг яроқлилиги ҳам, аҳоли саломатлиги ҳам, ҳаво тозалигию энергетика барқарорлиги ҳам табиат софлиги, чиқиндиларни қайта ишлаш масаласига бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Чиқиндилар тўғри тўпланиб, кўпроқ қайта ишланса, экологик мувозанат яхшиланади, табиат тоза бўлади, жамият ўзгаради.

Биз қандай йўл тутмоғимиз зарур? Аввало, бу масала тараққиётнинг асоси ёки инқирози эканини тўғри англаб олишимиз керак бўлади.

Бунинг учун айрим рақамларга эътиборимизни қаратиш етарли, деб ўйлаймиз. Масалан, бугунги кунда **Ўзбекистонда йилига ҳосил бўладиган 14 миллион тонна маиший чиқиндиларнинг атиги 4-5 фоизи қайта ишланиб, қолгани полигонга жойлаштирилиши натижасида атмосферага 7 миллион тоннадан зиёд иссиқхона газлари чиқади ва 43 минг тонна фильтратлар ер остига сингади. Натижада уй ҳайвонлари, парранда, қуш ва ҳашаротларнинг полигонларда озиқланиб, аҳоли орасига тарқатаётган зарарли вируслари инсонлар ҳаётига жиддий хавф солмоқда.**

Энг ачинарлиси, аҳолимиз орасида сурункали касалликлар сони тобора ортиб, нафас йўли, асаб тизими, юрак, қон-томир, онкологик касалликларга чалиниш ҳамда чақалоқларнинг ногирон бўлиб дунёга келиши ҳолатлари кузатилмоқда.

Яқинда Навоий шаҳрида яшайдиган укам фарзандли бўлди. Ҳол-аҳвол сўрасам, “Черепной давления”си бор экан (бош мия ички босимининг ошиши демоқчи), тўхтовсиз йиғлайди, шифокорлар назоратида, дорилар ичиряпмиз, ўтиб кетади, дейишяпти. Экология таъсиридан экан”, деб қолди. Тасаввур қиляпсизми, кеча туғилган гўдаклар биз — катталарнинг табиатга муносабатимиз жабрини тортяпти, унинг заҳмини танасида ҳис қиляпти, оғриқдан азобланяпти.

Ёки кўп касалликларнинг ёшариб бораётганини айтайлик. Улардан бири — суяк емирилиши. Шифокорлар фикрича, бу касаллик яқин йилларгача 50 дан ошган кишиларда кузатилган. Лекин ҳозир 20-25 ёшли йигит-қизлар суяги емирилиб, эндопротез қўйдиришга мажбур бўлмоқда.

Муаммонинг бошқа томони ҳам бор. Бу тараққиёт ва жамиятимизнинг ўзгариши билан боғлиқ. Шу ўринда бир қатор омилларни санаб ўтиш жоиз.

Биринчидан, экологик мувозанат тарозисининг бир палласи салбий томонга оғиши тадбиркорлик муҳитига жиддий тўсиқ бўлади.

Кейинги йилларда экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб кескин ортмоқда. Аммо атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ шароитда бундай маҳсулотларни етиштириш бирмунча қимматга тушади. Айтайлик, бунинг учун фермер ёки деҳқон даласи кимёвий ўғитланмаган бўлиши керак, ўсимликларга ҳеч қандай дори сепилмаслиги талаб қилинади. Афсуски, бундай маҳсулот етиштириш йил сайин қийин бўлиб бормоқда. Боиси, йил фасллари келиши, табиат қонунияти ҳам ўзгариб турибди. Бундан ташқари, ҳар бир етиштирувчи меҳнатига яраша фойда кўргиси келади.

Бугунги тадбиркор ўз маҳсулотини экологик хуружларга чидамли қилиб ишлаб чиқаришга ҳаракат қиляпти. Акс ҳолда, у маҳсулотини на экспортга чиқара олади, на ички бозорда харидорини топади. Бу эса ортиқча маблағ ва вақт талаб қилади.

Иккинчидан, юқорида айтганимиздек, экология ифлосланиши, чиқиндилар кўпайиши турли касалликларни келтириб чиқаради.

Очиғини айтиш керак, касалликни даволаш арзонга тушмайди. Оилада бир киши тумов бўлганида асоратини қолдирмасдан даволаш учун камида 500-600 минг сўм пул ишлатишга тўғри келади. Экология бузилиши билан боғлиқ жиддий ва сурункали касалликларни-ку қўяверасиз. Топганимиз уни даволашга кетиши мумкин.



Учинчидан, жамиятда ишонч инқирозини юзага келтиради.

Икки кун олдин такси тўхтатиб, манзилга етиб олдим. Ҳайдовчи акамизнинг касби филолог экан. Йўл-йўлакай ўзбек тили ҳақида гаплашиб кетдик. “Ўз она тилимизда тўғри ёзишни эплолмаяпмиз, кўчадаги реклама ёзувларини-ку қўяверинг, китобларда ҳам хатолар кўпайиб кетди”, дея ёзғириб қолди. Сўнг шундай деди: “Бу кетишда жамиятда миллийликка нисбатан жиддий таҳдид пайдо бўлади. Чунки тилга нисбатан бефарқлик миллий ўзлик йўқолишидан қўрқинчли муждадир”.

Буни эслаганимиз боиси шундаки, тил маънавий масала, ўз навбатида, моддий ҳаётимиз билан боғлиқ она табиатга муносабатимиз ҳам тилимиз каби жиддий муаммо. Ҳар иккиси ҳам борлиғимиз.

Шу маънода, экологик маданиятимизни шакллантирмас эканмиз, ҳаётимиз кун сайин жиддий муаммолар қуршовида қолаверади. Алалоқибат, ҳаётимиз мазмуни хиралаша бошлайди, атрофни чанг-тўзон пардаси орқали кўришга мажбур бўламиз. Бу эса, ўз навбатида, одамларда тушкун кайфият ҳосил қилади, кайфият тушкун экан, ишда унум, уйда барака бўлмайди.

Президентимиз “Green University” мутахассислари ва талабалари билан суҳбатлашганида, жумладан, шундай деди:

— Ҳозир экология худди рақамли технологиялардай долзарб. Келажакда ҳамма соҳа атроф-муҳит билан ҳамоҳанг бўлади. Шунинг учун бу ерда экологик иқтисодиёт, молия, ҳуқуқ каби йўналишлар ташкил этилди. Энди дуал таълимни кенгайтириб, бу ердаги билимларни тезроқ жойларда татбиқ қилиш керак.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки биз юқорида айтган қатор муаммолар, бир сўз билан айтганда, тириклигимиз манбаи, аввало, кадрлар сиёсати билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам атроф-муҳит муҳофазасига қайғурадиган, қайғурганда ҳам илмий ёндашувлар асосида иш кўрадиган ёшлар қатлами жуда зарур.

Бошқа томондан олганда, Президентимизнинг алоҳида саъй-ҳаракатлари билан бугунги реал вазият, яъни атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, экологик мувозанатни таъминлаш борасида бир қатор таъсирчан чора-тадбирлар кўрилаётир. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 январдаги “Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, яқинда — 26 сентябрда эса “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида очиқликни таъминлаш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари қабул қилинди. Қолаверса, янги таҳрирдаги Конституциямиз экологик ҳуқуқлар бўйича алоҳида модда билан бойитилди. Жумладан, 49-моддада давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши белгиланди.

Бундан ташқари, чиқиндиларни қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу орқали уларнинг ҳам табиатга таъсирини камайтириш, ҳам фойда олиш мумкин. Шу мақсадда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган. **Қарийб 1 миллиард 300 миллион долларлик инвестицияларни жалб этган ҳолда, 8 та чиқинди ёқиш заводи қуриш ҳамда Оҳангарон полигонида чиқинди газини қайта ишлаш режалаштирилган.**

Бу борада Хитой, БАА каби давлатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Жумладан, **Хитой Республикасининг “Chengdu Environmental Group” лойиҳаси 2025-2027 йилда ўз фаолиятини бошлайди.** Бунда 1 та йирик завод қурилади ва Жиззах, Сирдарё вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали қурилиш материаллари ҳамда электр энергия ишлаб чиқариш учун хизмат қилади. **Ушбу лойиҳа орқали йилига 547 минг тоннадан зиёд чиқинди қайта ишланади.**

Шундай лойиҳалар яна бор. Масалан, **Хитойнинг “China Everbright Group” лойиҳаси асосида 2025-2027 йилда 2 та завод фаолиятини бошлаши, “Наманган ва Фарғона вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергия ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳаси доирасида 1 миллион тоннадан зиёд чиқиндини қайта ишлашга эришиш режалаштирилган.**

“Tadweer” (БАА) компанияси лойиҳаси 2025-2050 йиллар давомида хизмат кўрсатади. “Бухоро ва Навоий вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергия ишлаб чиқариш” натижасида **йилига 547 минг 500 тонна чиқиндини қайта ишлашга эришилади.**

Хитой Республикасининг “Shanghai SUS Environment” лойиҳаси 2025-2027 йилда ўз фаолиятини бошлайди. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергия ишлаб чиқиш учун 2 та завод хизмат кўрсатади. **Шу тариқа йилига 1 миллион тоннадан зиёд чиқинди қайта ишланади.**

“CAMC Engineering” компаниясининг 350 миллион доллар тўғридан тўғри инвестицияси ҳисобидан Андижон ва Тошкент вилоятларида 2 та завод барпо этилади. Уларда кунига 4 минг тонна чиқинди қайта ишланиб, йилига 630 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Ушбу хориж заводлари чиқиндиларни қайта ишлаб чиқариш жараёнларида юқори сифатли материаллардан ва инновацион технологиялардан фойдаланади. Шунингдек, чиқиндиларни олиб чиқиш, ташиш, ёқиш, чиқинди газларини тозалаш, электр энергиясини олиш каби 5 та кетма-кетлик орқали чиқиндиларни қайта ишлайди ва “ноль чиқинди” тамойилига эришилади.

Мутахассислар фикрича, **мазкур лойиҳалар орқали 152 миллион метр куб табиий газ иқтисод қилинади, 2,4 миллион тоннагача иссиқхона газлари камаяди, йилига 49 миллиард сўм солиқ тўланади, 1200 та янги иш ўрни пайдо бўлади.**

Албатта, бу каби саъй-ҳаракатлар, олдимизга қўйилган вазифалар ўз самарасини беради. Аммо “қарс икки қўлдан” деган гапни ҳам унутмаслигимиз керак. Табиатга уйғунлик қон билан киради, инсон то сўнгги нафасигача она табиат бағрида яшайди. Бу илоҳий қисмат. Шундай экан, оилада, маҳаллада, фарзандларимиз тарбиясида атроф-муҳитга, экологияни тоза сақлашга бўлган муносабатимизни сусайтирмайлик. Зеро, бугунимиз ҳам, эртамиз ҳам атроф-муҳитга адолатли муносабатимизга боғлиқ.

Улуғбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz
2024 йил 22 октябрь, 213-сон

БИЗ БИРГАЛИКДА КАТТА КУЧМИЗ!

O‘zLiDeP томонидан сайлов арафасида ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида бу даъват қайта-қайта янграмоқда. Электорат вакиллари мазкур шиор замирида тараққиётни тезлаштирувчи омилларни тўлиқ қамраб олган маъно-мазмун мужассамлигини тобора теранроқ англашяпти.

O‘ZLIDEP

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайлов кунига жуда оз муддат қолди. Партияларнинг ташвиқотлари ҳам шу кунларда қизғин паллага кирди.

партия олдида турган энг муҳим мақсадлардан бири экани алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, **оилавий тадбиркорлик** дастурлари доирасида имтиёзли кредит ҳажмларини ҳар йили **30 фоизга ошириб бориш**, ижтимоий тадбиркорликни янада рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иш билан таъминлаб келаётган тадбиркорларга **мол-мулк ва ер солиғидан имтиёзлар** бериш ҳам O‘zLiDePнинг сайловолди таклифлари сирасига киради.

тизим жорий этиш каби масалалар ҳам партиянинг диққат марказида бўлади.

O‘zLiDeP мамлакатимиздаги барча соҳаларнинг бирдек ривожланишидан манфаатдордир. Бу каби эзгу мақсадлар йўлида барча куч ва имкониятлар сафарбар этилади.



Хўш, **1 миллион 600 мингдан** зиёд аъзоси бўлган O‘zLiDePнинг сайловолди тарғибот тадбирлари қандай кечмоқда? Электорат вакилларининг 46 фоизини аёллар, 48 фоизини ёшлар ташкил қиладиган либерал-демократлар сайловчилар ишончини қозониш учун қандай ташаббусларни илгари сурмоқда ва қандай янги усуллардан фойдаланмоқда?

Қуйида ана шу саволларга жавоб бўладиган саъй-ҳаракатларга холисона назар ташлаймиз.

Ўз ғоя ва дастурларини аҳоли орасида кенг ёйиш мақсадида O‘zLiDeP бу йилги сайловга ҳам ҳар галгидек янгича услубларда ёндашмоқда. Танланган стратегия доирасида одамлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш, уйма-уй юриб, миллионлаб фуқаролар билан мулоқот қилиш, ҳар бир сайловчига партия ғояларини етказиш осон иш эмас.

Шу кунгача фаоллар ва волонтёрлар гуруҳи режага мувофиқ **икки миллиондан ортиқ хонадонга** кириб-чиқишга улгуришди. Шунингдек, велосипед ва махсус овоз кучайтиргичлар (рупер) ёрдамида партиянинг асосий мақсад ва ғоялари аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. Бундан ташқари, O‘zLiDeP партияларо дебатларда ҳам дадил қатнашмоқда. Сайловчилар билан учрашувлар, номзодларнинг ташкилот ва идоралардаги мулоқотлари ҳам жонли тарзда кечмоқда.

Умуман олганда, O‘zLiDeP бу галги сайлов кампаниясида кенг аҳоли қатламларини жалб этган ҳолда оммавий тадбирларни ҳамда асосий электорат қатлами вакиллари билан учрашувларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратди.

Очиқ осмон остидаги очиқ мулоқотлар

Фарғона шаҳридаги Ислом Каримов номидаги театр-концерт саройи майдонида **“Эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!”** шиори остида уюштирилган оммавий тарғибот тадбири хусусида ижтимоий тармоқда кўплаб ижобий фикрлар билдирилди.

Боиси шундаки, ёмғирли об-ҳаво бўлишига қарамай, икки мингдан зиёд сайловчилар — тадбиркору фермерлар, таълим ва тиббиёт соҳаси ходимлари, маданият ва санъат тизими вакиллари партия таклифларини диққат билан эшитишди.

Шунингдек, Нукус шаҳридаги “Дўстлик боғи”да ташкил этилган тарғибот тадбири ҳам сайловчилар билан тўғридан тўғри мулоқот шаклида, юқори кайфиятда ташкил этилди.

Очиқ осмон остидаги оммавий тадбирларда таъкидланганидек, партия **ялпи ички маҳсулот ҳажми 2030 йилга бориб, 160 миллиард долларга**, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни эса **4 минг долларга** етказиш, **тадбиркорлар сонини 3 миллион нафардан ошириш** учун барча зарур чораларни кўради. Бундан ташқари, касб-ҳунарга ўқитиш кўламини ҳар йили икки баравар ошириб, беш йилда камида **1 миллион фуқарога касб ўргатиш**, барча туман ва шаҳарларда мономарказларни ташкил қилиш, мактаб битирувчиларига давлат томонидан **камида бир касбни эгаллаши**га кўмаклашувчи

Сунъий интеллект ва нанотехнологиялар

Виртуал макон ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда каттаю кичик ҳам рақамли технологиялар ва мобиль иловалардан фойдаланишни билади. Электрон қулайликлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани ҳам рост.

O‘zLiDeP мутасаддиларининг Самарқанд вилоятида жойлашган “Ургут иқтисодий зонаси”да йирик компания раҳбарлари, инвесторлар билан ўтказилган учрашувда айни мавзуда сўз юритилгани электоратнинг диққатини ўзига жалб қилди.

Рақамли технологияларга ихтисослашган корхоналарнинг экспорт фаолиятини жадаллаштириш, “**Чип саноати**”, **сунъий интеллект**, **нанотехнологиялар** каби илғор тармоқларни ривожлантириш партиянинг келгуси беш йилликда энг устувор вазифасига айланади. Шунингдек, саноатда таннархни камайтириш, махсус саноат зоналарини хорижий компанияларга аутсорсинг асосида бошқарувга бериш, **автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 1 миллион донага етказиш** чоралари кўрилади. Ўзбекистонни минтақавий **“тўқимачилик хаби”**га айлантириш учун соҳадаги тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида IT соҳасини янада оммалаштириш ҳамда соҳада хизматлар экспортини ошириш учун **“мактаб — олийгоҳ — IT компанияси”**дан иборат яхлит “IT таълим” ва хизматлар занжири яратилади.

Тошкент вилоятидаги **“Astrum” IT академияси**да IT мутахассислар, маркетинг соҳаси вакиллари, ёшлар билан ўтказилган O‘zLiDePнинг сайловолди ташвиқоти Ургутдаги қизиқарли суҳбатнинг тадрижий давоми бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

Сайловолди учрашувда партия ёшлар бандлиги ва ишбилармонлиги, хусусан, ишсиз ёшларни **замонавий касбларга ўқитиш** тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, корхоналар буюртмаси асосида **касбга тайёрлаш амалиётини жорий қилиш** тарафдори экани қайд этилди.

Ҳар бир вилоятда камида 100 гектар майдонда **“Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази”**нинг ташкил этилиши ва мазкур марказлар ёшлар учун чинакам **“лойиҳалар фабрикаси”**га айланиши маълум қилинди.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг “маҳаллабай” дастурлари

Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги “Парвоз Ҳумо Равнақ Транс” ва Наманган вилояти Давлатобод туманидаги “Кўк сарой” корхоналарида ташкил этилган сайловолди тарғиботи тадбирларида ҳам партия электоратининг асосий қатламини ташкил этувчи тадбиркорлар, ишбилармонлар, кичик ва ўрта бизнес ҳамда аграр соҳа ходимлари фаол иштирок этди.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг **“маҳаллабай” дастурлари**ни ишлаб чиқиш

Ички меҳнат миграциясини ривожлантиришга эътибор қаратиш, бандликни молиявий қўллаб-қувватлаш манбаларини кенгайтириш, жумладан, хусусий бандлик агентликлари тизимини ривожлантириш масалалари электорат манфаатларини ҳимоялашда зарур қадам бўлади.

Маънавий-маърифий соҳалар ҳам доимий эътиборимизда бўлади

Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги “Китоблар олами” марказида ёзувчи ва шоирлар, китоб нашри ва босма соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар, китобхон ёшлар вакиллари билан партия номзодларининг учрашуви ҳам самимий руҳда кечди.

Учрашувда O‘zLiDeP тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қиладиган энг йирик сиёсий куч сифатида хусусий сектордаги **нашриётлар фаолиятини янада ривожлантириш**га алоҳида эътибор қаратиши айтиб ўтилди. Жумладан, бизнес юритишни янада соддалаштириш, **1000 га яқин бюрократик талабларни бекор қилиш**, **лицензиялар сонини икки баравар камайтириш**, лицензия бекор бўладиган 60 та фаолият учун хабардор қилиш тизимини жорий этиш партиянинг кейинги беш йилликдаги устувор вазифаларидир. Шунингдек, **солиқ маъмурчилиги тизимини соддалаштириш**, барча тадбиркорлар учун солиқ тўлаш борасида адолатли ва тенг шароитлар яратиш каби вазифалар ҳам матбаа соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг манфаатларига хизмат қилади.

***

Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси ва “Uzavtomotors” акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган учрашувларда партиянинг иқтисодий йўналишдаги мақсад ва вазифалари, Андижон давлат тиббиёт институтида эса шифокорлар ва ёш мутахассислар билан тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид таклиф ва ташаббуслари ҳақида сўз юритилди.

Умуман олганда, учрашувларда партия Сайловолди дастуридаги устувор йўналишлар, мақсад ва ғоялар халқчил, оддий, содда тилда етказиляпти. Сайловчилар партия ғоялари ва ташаббусларига ўзининг илиқ муносабатларини билдириб, сайловда партия ва унинг номзодларини қўллаб-қувватлашларини таъкидлашмоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти йўлидаги бу муҳим паллада, Сиз, азиз сайловчилар қабул қиладиган қарорлар келажагимизни белгилайди. O‘zLiDeP ўзининг адолатли ва фаровон жамиятни қуриш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ҳар бир фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган содиқлигини амалда исботлаган.

Биргаликда кучмиз! Бизни қўллаб-қувватланг ва ислоҳотларнинг бардавомлиги учун O‘zLiDeP ва унинг номзодларига овоз беринг!

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Матбуот хизмати

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

“БИЗ БИРМИЗ, ЎЗБЕКИСТОНЛИКМИЗ!”

Одимлаётган ҳар бир кун бизни 27 октябрь — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўладиган сайловларга яқинлаштирмоқда. Бу жараёнда “Қадриятларга таянган тараққиёт” шиорига амал қилаётган “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам парламент ва маҳаллий кенгашларда энг кўп ўринларни эгаллаш учун курашмоқда.

“MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

Таъкидлаш лозимки, партия томонидан ташкил қилинаётган тарғибот-ташвиқот тадбирларида барча номзодлар фаол иштирок этиб, партия ва ўзларининг Сайловолди дастурларини кенг тарғиб қилмоқда. Айниқса, бундай тадбирларда нафақат электорат, балки партия ғоя ва мақсадларига хайрихоҳ бўлган кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда.

Жумладан, шу кунгача партиянинг 38 мингга яқин тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларда қарийб 1 миллион 500 мингга яқин сайловчи иштирок этди.

“Миллий тикланиш” нима учун “Қадриятларга таянган тараққиёт” ғоясини илгари сурмоқда?

Жиззах шаҳридаги Мустақиллик майдонида ўтказилган оммавий тарғибот тадбирида партия томонидан “Қадриятларга таянган тараққиёт” ғояси бежиз илгари сурилмаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда бутун дунёда тараққиётга эришиш ва фаровон жамият барпо этиш масаласи аксарият давлатларнинг кун тартибидаги асосий масалага айланди. Бироқ шуни тан олиш керакки, иқтисодий фаровонлик ўз-ўзидан жамият бахти ва барқарорлигини таъминлай олмайди. Инсонларнинг ҳаётида маънавий мезонлар ва қадриятларнинг аҳамияти ҳам катта ўрин тутади. Айниқса, кўп асрлик анъаналар ва миллатимизнинг маънавий мероси халқимизнинг келажаги учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзод, Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори Гулчеҳра Рихсиева дастурда бугун замонамизнинг долзарб масаласига айланган тарбия ва таълим соҳасини ривожлантиришга, бу борада мавжуд бўлган муаммо ва камчиликларни ҳал қилиш бўйича илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар ҳақида фикр билдирди.

Улар орасида энг муҳими “Янги авлод педагогларини тайёрлаш Давлат дастури”ни қабул қилиш ташаббусидир. Чунки сўнгги йилларда ушбу дастурнинг кераклигини ҳар куни ҳис қиляпмиз. Бугун фарзандларимиз умуман янгича даврда яшаяпти ва педагогларимиз ҳам келажагимиз эгаларига мос бўлиши лозим. Шу боис, янги авлод педагогларини тайёрлаш ва ўқитувчилик касби жозибадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга биринчи даражали вазифа сифатида қараш зарур.

Гулчеҳра РИХСИЕВА:

— Шундан келиб чиқиб, барчангиздан ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаган ҳолда, фарзандларимизнинг келажагини ўйлаган барча юртдошларимизни 27 октябрда бўладиган сайловларда “Миллий тикланиш” ва унинг номзодларига овоз беришга чақираман.

Қуйи палатага кўрсатилган яна бир номзод, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари Назира Мухторованинг чиқиши ҳам сайловчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Партия “Маърифатли она — қудратли миллат” тамойилига асосан, хотин-қизларга оид сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, аёллар келажагимиз бунёдкорлари бўлган болаларни дунёга келтирувчи ва уларнинг тарбиячилари бўлиши баробарида давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг бой билим, малака ва кучини сафарбар этишга қодир улкан салоҳиятга эга жамиятимизнинг фаол аъзолари эканлигидан келиб чиқиб, дастурда муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Улардан энг муҳими, шубҳасиз, фарзанд кўрган аёлларга бола уч ёшга тўлгунига қадар ҳақ тўланадиган “Оналик таътили” бериш тизимини жорий қилиш таклифидир.

Назира МУХТОРОВА:

— Агар сиз фарзандим меҳрли, тарбияли, келажакда юртимизга садоқатли фарзанд бўлиб вояга етишини истасангиз, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва унинг номзодларига овоз беринг!

Партиямизнинг ҳаётий ташаббуслари — тараққиёт одимларимизга мустаҳкам пойдевор

“Биз бирмиз, Ўзбекистонликмиз!” шиори остида Бухоро шаҳрида навбатдаги оммавий тадбир учун катта тайёргарлик кўрилди. Маълумки, бир неча минг йиллик тарихга эга азим шаҳар аҳли ҳайратлар ичида яшайди, 200 дан ортиқ қадимий обидалар, осори атиқалари билан бутун дунёни лол қолдириб келаётган воҳа аҳли партия ташаббус ва ғояларини олқишлар билан кутиб олди. Уч мингга яқин сайловчилар иштирок этган тадбирда номзодлар Сайловолди дастурининг мазмун-моҳиятини тушунтирди ва барчани сайловларда фаол иштирок этишга ва “Миллий тикланиш” ва унинг номзодларига овоз беришга чақирди.

Оммавий тадбирда партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров сўзга чиқиб, бугун сайловчиларга қуруқ ваъдалар эмас, аниқ ва лўнда таклиф ва ташаббуслар, эртамизга хизмат қиладиган ғоялар кераклигини, юзаки баҳслар, тортишувлар эмас, чин юракдан, Ватан, миллат манфаати йўлида айтиладиган оддий ва содда гаплар кераклигини таъкидлади.

Феруза МУҲАММЕДЖАНОВА,
Марказий кенгаш раиси ўринбосари:

— Бир донишманд агар ўғлингни ўқитсанг, бир кишини ўқитган бўласан, қизингни ўқитсанг, бутун жамиятни ўқитган бўласан, деган экан. Аммо айрим талаба оналар боласига қаровчи йўқлиги сабаб ўқишини давом эттира олмаяпти. Шундан келиб чиқиб, партиямиз дастурида талаба оналарнинг фарзандлари учун олий таълим муассасаларида махсус болалар хоналари ёки боғчалар ташкил этиш таклифи илгари сурилмоқда.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Партия томонидан давлат бошқаруви ҳамда қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими бўйича ҳам бир қатор ташаббуслар илгари сурилган. Айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашишдаги ролини ошириш зарур. Токи улар фақат бу иллатга қарши тарғибот билан чекланиб қолмай, коррупцион ҳолатларни керак бўлса, давлат органларидан ҳам олдинроқ таҳлил қилиш ва фош этишга қодир бўлсинлар.

Ҳунармандлар тадбиркор эмас, қадриятлар ташувчисидир

Шаҳрихон туманидаги ҳунармандлар марказида электорат вакиллари билан учрашув ҳар қачонгидан ҳам сермазмун ўтди. Халқ амалий санъати намуналарини яратаётган уста ҳунармандлар, халқ оғзаки ижодини давом эттириб келаётган санъат вакиллари билан учрашув қизғин саволжавобларга бой бўлди. Қадриятларимизни борича асрашга, авлоддан-авлодга ўтишига хизмат қилаётган уста-ҳунармандлар партиянинг Сайловолди дастурида уларнинг фаолияти билан боғлиқ ташаббус ҳам илгари сурилган. Жумладан, соҳа вакиллари дастурдаги “Ҳунармандчилик фаолияти тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш таклифини қўллаб-қувватладилар.

Партия ёш авлоднинг ҳунармандчиликка ва халқ амалий санъатига бўлган қизиқишларини ошириш, уларнинг бу фаолият билан шуғулланишларини рағбатлантириш жуда зарур деб ҳисоблайди. Сабаби, партия ҳунармандларга тадбиркор сифатида эмас, қадриятларни ташувчи сифатида қарайди. Шундан келиб чиқиб, улар учун имкониятларни янада кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашни асосий вазифа деб билади.

Толиб АҲМЕДОВ,
ҳунарманд:

— Шахсан мен 30 йилдан бери ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаман. Шу ҳунар билан оила тебратаман ва бу бизга ота мерос. Бу соҳани давом эттираётган учинчи авлод вакилиман. Ҳақиқатан, ҳунармандлар қўллаб-қувватланса, уларнинг фаолияти оммалашиши учун имконият яратилса, ёшларимизнинг қизиқишлари ҳам янада ошарди. Соҳа ривожига имконият яратиш орқали ҳам иқтисодиёт, ҳам туризмни ривожлантирамиз, ҳам қадриятларимизни давом эттирамиз. Мен партиянинг фаолиятимиз билан боғлиқ таклифларини қўллаб-қувватлайман.

Мақсадимиз биргаликда инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга йўналтирилган Янги Ўзбекистонни барпо этишдир. Бугун барчамиз халқни рози қилиш, келажакда эмас, одамларга бугун қулай шароитлар яратиш мақсадга айланган кунларда яшаяпмиз. Бош мақсадимиз “Қудратли давлатга таянган, қонунлар миллий ва умуминсоний қадриятларга уйғун, инсон қадри баланд, фаровон жамият қуриш”дир.

Шубҳасиз, бу галги сайловлар ҳар доимгидан-да кучли рақобат муҳитида ўтмоқда. Бу йўлда салмоқли натижаларга эришиб, парламент ва маҳаллий кенгашларда энг кўп ўринларни эгаллаш — партиянинг энг асосий мақсадидир.

Албатта, бунда Сиз сайловчиларнинг овози биз учун муҳимдир. 27 октябрда ўтадиган сайловларда “Миллий тикланиш” партияси ва унинг номзодларига овоз беринг.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Матбуот хизмати



“МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

2024 йил 22 октябрь, 213-сон

Мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг имкониятлари кўп. Бунинг учун назарда тутилган режаларни, лойиҳаларни ўз вақтида рўёбга чиқариш, самараси паст имтиёзларни бекор қилиш, йирик давлат корхоналарида самарадорликни ошириш чоралари кўрилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



УЧТАДАН БИРИ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ЭНГ ТЕЗ ЎСАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР СИРАСИГА КИРАДИ



Ислоҳот одимлари

Яқинда Жаҳон банки 2024 йилга оид янги ҳисоботини тақдим этди. Унга кўра, жорий йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиё минтақасида ялпи ички маҳсулотнинг энг юқори ўсиши кузатилаётган учта мамлакатдан бири ҳисобланади.



Хўш, мазкур нуфузли молия ташкилоти нега бундай хулосага келди? Ўзбекистондаги ислоҳотлар қайси жиҳатлари билан эътиборни тортган? Бизнингча, мазкур саволларга жавобни 17 октябрь куни Президентимиз ҳузурида жорий йилда иқтисодиётда кутилаётган натижалар ва 2025 йил учун мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда айтилган фикрлардан олиш мумкин. Бинобарин, бугун Ўзбекистон ўз олдига қўйган мақсадлар сари дадил одимламоқда. Барча тармоқ ва соҳаларнинг изчил модернизация қилинаётгани самараси эришилаётган натижаларда яққол намоён бўлаётир. Энг муҳими, ислоҳотлар бутун мазмун-моҳияти, аввало, инсон манфаатига йўғрилгани ва шунга хизмат қилаётгани билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон глобал савдо ва халқаро ҳамкорликнинг фаол иштирокчиси. Дунё мамлакатлари биз билан муносабатларини мустаҳкамлашга интилмоқда. Ўзаро ишонч ортмоқда. Ишонч эса иқтисодиётга инвестициялар фаол кириб келишига, янги ва самарадор лойиҳалар рўёбига хизмат қилмоқда.

Жаҳондаги қийин ва мураккаб вазиятга қарамай, ички имкониятларни ишга солиш ҳисобига ўтган 9 ойда юртимиз иқтисодиёти 6,6 фоиз, саноат 7 фоиз ўсди. Йил якунигача камида 6 фоиз ўсиш кутилмоқда. Дунёнинг нуфузли рейтинг агентликлари ҳам Ўзбекистоннинг рейтинги барқарор сақланиб қолаётганини ижобий баҳолаяпти. Натижада жорий йилда инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33 фоиздан ошади. Экспортда қарийб 19 фоиз ўсиш кутиляпти. Умуман, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки фаол инвестиция сиёсати ва ислоҳотлар ҳисобига Ўзбекистонда келгусида ҳам барқарор иқтисодий ўсиш сақланиб қолишини тасдиқламоқда.

Шу билан бирга, дунё бозорида рақобат кучайиб, хомашё нархлари тез-тез ўзгараётган ҳозирги беқарор шароитда саноат ва экспортда юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни кўпайтириш шарт. Йиғилишда ана шу ортга қайтмас ислоҳотлар натижаси эътироф



қилинган ҳолда жорий ва келгуси йилдаги устувор вазифалар қайд этилди. Кечиктириб бўлмас вазифалар белгилаб олинди.

Умуман олганда, ушбу вазифалар бугун ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб аҳамият касб этяпти. Негаки, айни пайтда дунё тараққиёти жадаллашиш баробарида бозор талаби ва шароити ўзгарувчан бўлиб қолмоқда. Иқтисодий глобаллашув интеграциялашув экани инобатга олсак, бунга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан муҳимдир.

Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси иқтисодиёти бўйича ҳисоботида қатор инқирозлардан сўнг минтақадаги ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсиш барқарорлашаётгани айтилади. 2025 йилда ялпи ички маҳсулот 5,8 фоиз ўсиши кутилаётгани Ўзбекистон минтақада иқтисодий ўсиш бўйича етакчига айланиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Прогнозларга кўра, минтақада иқтисодий ўсиш 2023 йилдаги 3,5 фоизга нисбатан 3,3 фоизгача, 2025 йилда 2,6 фоизгача секинлашиши мумкин. Инфляция секинлашиши муносабати билан қатор мамлакатларнинг марказий банклари жорий йилда асосий ставкани пасайтиришга киришди. Бироқ нарх босими давом этиши ҳақидаги хавотирлар туфайли қарорларда эҳтиёткорлик устунлик қилади. Ҳисоботда иқтисодий ўсишни жонлантириш ва юқори даромадли мамлакатлар билан яқинлашувни тезлаштириш учун зарур бўлган инсон капитали ҳамда ишчи кучи салоҳиятини шакллантириш, минтақанинг таълим, айниқса, олий таълим тизимини чуқур модернизация қилиш тавсия этилади.

Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича бош иқтисодчиси Ивайло Изворскининг фикрича, ушбу минтақада узоқ муддатли иқтисодий ўсишни жадаллаштиришнинг энг катта имконияти таълим, хусусан, олий таълим сифатини оширишдир. Сифатли таълимга устувор аҳамият бериш ва таълим олишга шароит яратиш орқали мамлакатлар ўз инсон капиталини яратиши, инновацияларни рағбатлантириши ва барқарор иқтисодий ўсиш ҳамда ривожланишга туртки бериши мумкин.

Мамлакатимизда ҳар икки йўналишда изчил иш олиб борилиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Жумладан, қисқа муддатда юртимизда 135 та янги олийгоҳ ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 211 тани ташкил этмоқда. Тизим қамрови 4 баробардан зиёд ошиб, 9 фоиздан 38 фоизга етказилди.

Марказий банк томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам диққатга сазовор. Хусусан, Марказий банк бошқаруви жорий йилнинг июль ойида асосий ставкани 0,5 фоиз бандга пасайтириб, йиллик 13,5 фоиз даражасида белгилаш тўғрисида қарор қабул қилганди. Ушбу қарор, биринчи навбатда, инфляция ва инфляцион кутилмалар пасайиши билан изоҳланган эди. Чунки сўнгги тўрт йилда инфляция даражаси 15 фоиздан 9 фоизга тушди.

Ўтган ҳафтада Халқаро ҳамкорлик ташаббуслари ҳафталиги доирасида Марказий банк раиси ўринбосари Беҳзод Ҳамроев мамлакатимиздаги макроиқтисодий вазият, инфляция даражасини пасайтириш ва молия секторини ривожлантириш бўйича стратегиялар ҳамда иқтисодий сиёсатга доир маълумотларни тақдим этди. Унинг айтишича, мамлакатимиздаги таркибий ислоҳотлар ҳисобига иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари юқори бўлиб, 2024 йилда ва ўрта муддатли истиқболда ЯИМнинг реал ўсиши 6-6,5 фоиз атрофида шаклланиши кутилмоқда. Ўсишнинг муҳим омилларидан бири хусусий инвестициялар бўлиб, улар, асосан, тўғридан тўғри инвестициялар ҳисобига 2024 йилда сезиларли даражада ошган.

Давлатимиз раҳбари ҳузурида жорий йилда иқтисодиётда кутилаётган натижалар ва 2025 йил учун мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда билдирилганидек, иқтисодиётимиз йил якунигача камида 6 фоиз ўсиши кутилмоқда. Олтин-валюта захираси бу йил илк бор 40 миллиард долардан ошиб, аҳолининг миллий валютадаги депозитлари ҳажми ҳам 50 фоиз ўсган. Булар, албатта, эътиборга молик рақамлар. Рақамлар ортида эса мамлакат ривожига дахлдор қанчадан қанча лойиҳалар, юмушлар ётибди.

Умуман, мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг имкониятлари кўп. Бунинг учун назарда тутилган режаларни, лойиҳаларни ўз вақтида рўёбга чиқариш, самараси паст имтиёзларни бекор қилиш, йирик давлат корхоналарида самарадорликни ошириш чоралари кўрилади.

Яратилган имкониятлар ҳисобига келгуси йилда 78 та туман бюджет харажатини ўзи қоплашга ўтказилади. Ер, мол-мулк ва айланма солиғи тўлиқ, даромад солиғининг 50 фоизи уларнинг ўзида қолдирилади.

Ижтимоий давлат тамойилидан келиб чиқиб, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига ажратилаётган маблағларни 20 фоизга ошириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, маҳаллаларга эътибор туфайли 1 миллион киши камбағалликдан чиқарилади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Экология

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА улуши 25 ФОИЗга етказилади

Юртимизда 2030 йилга қадар электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бу эса ўша даврга бориб атроф-муҳитга зарар етказмайдиган, инсон саломатлиги учун хавфсиз, экологик тоза электр энергиясини ҳосил қилиш имконини ҳам беради.

Шу боис, кейинги беш-олти йилда мамлакатимизда энергетика соҳасини ислоҳ қилишда янгича ечим ва технологияларга катта эътибор қаратилмоқда. Айни ислоҳотлар натижаси ўлароқ, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги 632 гектар майдонда йирик қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Натижада воҳанинг 70-80 фоиз қисмини кундуз кунлари узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имконияти пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил июнда Сурхондарё вилоятига ташрифида мазкур йирик лойиҳага тамал тошини қўйган эди. Шундан кейин Сурхон воҳаси учун “яшил” энергетика соҳасидаги дебоча лойиҳа қурилиши жадал бошланди. Лойиҳани Ўзбекистоннинг “яшил” энергетика соҳасидаги ишончли ҳамкорларидан бири — БААнинг “Masdar” компанияси молиялаштириб, Хитойнинг “SMES” корпорацияси томонидан қурилди.

— Бу ишлар 2021 йили бошланган эди. Президентимизнинг 2022 йил 14 январдаги “Сурхондарё вилояти Шеробод туманида қуввати 456,6 МВт бўлган фотоэлектр станцияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ишларни янада жадаллаштиришга туртки берди, — дейди “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ “Сурхондарё магистраль электр тармоқлари” филиали директори Отабек Ашуров. — Муҳими, қуёш манбаидан фойдаланиш ҳам иқтисодиётга, ҳам атроф-муҳитга катта фойда.

Қуёш фотоэлектр станциясининг илк кузатув линиялари жорий йил январида тармоққа уланди ва электр энергияси ишлаб чиқариш бошланди. Бунинг натижасида аҳоли хонадонлари ва иқтисодиёт тармоқларига мунтазам, узлуксиз энергия етказиб берилмоқда. Шунингдек, экспорт кўрсаткичи ошиб, импорт ўрни босилди.

— Қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши лойиҳаси доирасида ҳудудда “Шеробод-2” подстанцияси ҳам ишга туширилиб, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ “Сурхондарё магистраль электр тармоқлари” филиали таркибидаги подстанциялар сони бугунга келиб, 6 тага етди, — дейди “Сурхондарё магистраль электр тармоқлари” филиали етакчи муҳандиси Ойбек Бердиев.

Шеробод адирликларидаги 5 гектар майдонни эгаллаган замонавий станцияга барча



технологиялар Хитойдан олиб келиб, ўрнатилган. Натижада воҳанинг Шеробод, Музработ, Қизириқ, Бойсун каби олис туманларидаги истеъмолчиларга сифатли ва узлуксиз электр энергияси етказиб бериш имконияти яратилди.

— Бугун ҳар бир соҳани рақамлаштириш талаб этилмоқда. Чунки илғор, инновацион технологияларни қўлламай туриб, муваффақиятга эришиш мушкул, — дейди муҳандис Тошболта Жўраев. — Шундан келиб чиқиб, “Сурхондарё магистраль электр тармоқлари” филиали таркибидаги “Шеробод-2” подстанциясида ҳам электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими ўрнатилди.

Қуёш электр станцияси ҳамда замонавий подстанция ишга туширилгани янги иш ўринлари очишда ҳам муҳим асос бўляпти. Ҳозир бу ерда 150 га яқин мутахассис иш билан таъминланган. Энди иш бошлаган ёш кадрлар ҳам қисқа муддатда замонавий технологияларни мустақил бошқаришни ўзлаштирмоқда. Бу эса ўз ўрнида иш самарадорлигини янада оширади. Баҳодир Иброҳимов Термиз муҳандислик-технология институтини ўтган йили тамомлаган эди. Шунга қарамай, у ўзига юкланган вазифаларни сидқидилдан адо этмоқда. Бу эса юртимизда муҳандис кадрларнинг янги авлоди шаклланаётганидан далолат беради.

— Бу каби лойиҳаларда иш бошлаш ҳар бир ёшнинг орзуси бўлса керак. Замонавий технологиялар ва хорижлик муҳандислар билан ишлаш кишига завқ беради. Ўз устида ишлашга ундайди. Чунки бу йўналиш мутахассиси бўлиш — янги соҳа ва истиқболли экани билан ҳам аҳамиятли, — дейди “Шеробод-2” подстанцияси навбатчи муҳандиси Баҳодир Иброҳимов.

Бугун энергетика тармоғи нафақат иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи муҳим омил, балки кундалик ҳаётимизнинг ҳам ажралмас қисмига айланган. Шунинг учун ҳам мазкур йўналишда йирик лойиҳаларни амалга оширишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Келгусидаги марралар ҳам катта олинган.

Энергетика — иқтисодиётнинг қон томири. Шу боис, янги лойиҳа ва ташаббуслар, соҳа фаолиятидаги ўзгариш ва янгиланишлар мамлакатимиз юксалишига хизмат қилади.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Долзарб мавзу

МУАММОнинг ягона ЕЧИМИ

БУГУН СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ЖУДА ЮҚОРИ

Сўнгги йилларда сайёрамизда кузатилаётган иқлим ўзгариши, табиат мувозанатидаги кутилмаган оғишлар дунё ҳамжамиятини ўйлантираётган турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу, айниқса, қишлоқ хўжалиги учун трансчегаравий сувлардан фойдаланадиган мамлакатларда яққол сезилмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилиниб, ер ва сув ресурсларидан узоқ муддатли фойдаланиш тизими ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Бунда, аввало, “сув текин” деган тушунчадан воз кечилиб, қатра сувнинг қадрига етиш, тежамкорликни ошириш кўникмаси шакллантирилаётгани диққатга сазовор. Сув хўжалиги тизимидаги лойиҳалар, тежовчи технологиялар жорий этилиши танқислик оқибатларини юмшатиш ва маҳсулот етиштириш барқарорлигини сақлашдаги ягона ечим бўлиб қолмоқда.

Самарқанд вилоятида 2017-2023 йилларда жами 164,6 минг гектар экин майдонида тежамкор суғориш технологиялари жорий этилган бўлиб, шундан 56,5 минг гектар майдонда томчилатиб, 2,8 минг гектарда ёмғирлатиб, 141 гектарда дискрет, 42,3 минг гектарда эгилувчан қувурлар орқали суғориш, 14 минг гектарда эса эгатга плёнка тўшаб суғориш тизими қўлланилиб, 48,7 минг гектарда лазерли текислаш ишлари бажарилган. Ушбу технологиялар жорий этилган майдонларда йилига ўрта ҳисобда 150-170 миллион куб метр сув иқтисод қилинишига эришилмоқда.

— Ҳар бир экиннинг униб чиқиши, ривожланиши ва мўл ҳосил бериши, аввало, сувга боғлиқ, — дейди Самарқанд вилояти сув хўжалиги бошқармасининг сувни тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўлими бошлиғи Шуҳрат Юсупов. — Минтақамизда сув ресурслари йилдан йилга камайиб бораётгани бор гап. Бундай шароитда сув танқислигини юмшатишнинг энг мақбул ечими уни тежаш ва оқилона фойдаланиш эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, “Агробанк” АТБ томонидан шаффоф онлайн кредит ажратиш имконини берувчи “Suvkredit.uz” электрон тизими ишлаб чиқилиб, 2024 йил 1 февралдан ишга туширилди. Ушбу платформа орқали 2 йиллик имтиёзли давр билан 5 йил муддатга онлайн кредитлар ажратилмоқда.

Фермер хўжаликлари ва агрокластерлар олдида турган қатор муаммоларга ечим топилди. Жумладан, тижорат банклари ажратаётган кредит фоизи миқдори 2 йиллик имтиёзли даври билан 14 фоизга туширилди. Фермер хўжаликларининг кредит олишдаги гаров таъминоти мажбурияти бекор қилинди. Бу каби имкониятлар қисқа муддатда самара бериб, вилоятда жорий йилда 10,1 минг гектар экин майдонида томчилатиб, 3,2 минг гектарда ёмғирлатиб, 3,2 гектарда дискрет, 8,3 минг гектарда эгилувчан қувурлар орқали суғориш тизими жорий этилди. Шунингдек, 23,1 минг гектар ер лазер ускунаси орқали текисланди. Булар орқали тежалган сув ҳисобига 18 минг гектардаги такрорий экинларни сув билан таъминлаш имконияти яратилди.

2019 йилдан бошлаб сув тежовчи технологияларни жорий этганларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми йўлга қўйилгани, жумладан, субсидиялар ажратилаётгани катта самара бериб, кластер ташкилотлари ва фермерларни рағбатлантирмоқда. Улар тежамкор суғоришнинг афзал жиҳатларини англаб етгани боис, бу усул тобора оммалашмоқда.

— Биз деҳқончилик қилаётган ер шартли суғориладиган тоифага киради, — дейди пайариқлик фермер Ўктам Зиёдуллаев. — Даламизга сув, асосан, насос орқали етказиб берилади. Сув таъминоти оғирлигини инобатга олиб, 25 гектар пахта майдонимизда томчилатиб суғориш тизимини қўлладик. “Suvkredit.uz” платформаси орқали олинган кредит эвазига ғўзани шу технология асосида сувладик. Натижада кутганимиздан ҳам зиёда ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдик.

Мутахассислар фикрича, томчилатиб суғорилганда сув ўсимликнинг томирига бир текис ва бир хил миқдорда чуқур етиб боради. Ўсимликка қанча керак бўлса, айнан шунча, яъни тупроқни сув босмайдиган ва сувни исроф қилмайдиган тарзда келиб туради. Бундан ташқари, сувнинг ўсимликка етказиб берилгунча буғланиб кетиши сабабли юз берадиган йўқотишларнинг олди олинади.

— Экин майдонларимизда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилиши билан хўжалигимиз даромадини яхшигина оширишга эришди, — дейди пахтачилик фермер Бобошер Ҳамроев. — Олдинлари жўяклаб суғориш учун икки-уч сувчи овора бўлган бўлса, томчилатиб суғорилганда бу ишни бир киши бемалол уддаламоқда. Ушбу замонавий тизим ҳисобига суғориш мавсумидаги барча харажатлар қисқаради.

Ҳисоб-китобларга кўра, янги технологиялар шарофати билан мавсум давомида 1 гектар ғўзага сарфланадиган 60 литрга яқин ёқилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитларнинг 30-40 фоизи тежалади. Шу билан бирга, минерал ўғитларнинг ўзлаштирилиши 90-95 фоиз, анъанавий суғоришда эса 30-38 фоиз бўлади. Суғориш вақтида эритилган ўғитлар бевосита илдизга кириб боради. Озуқа моддалар тез ва жадал сўрилиб кетади. Шунингдек, маҳсулот ҳосилдорлиги ва сифати ошиб, эрта пишиши кузатилади.

Вилоятда боғ, пахта ва ғалла майдонларида сув тежовчи технологияларни кенг оммалаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда. Кўзланган мақсад битта: тежамкор суғориш билан сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва шу орқали нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигини ҳам ошириш.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
журналист

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uz_news yuz

2025 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим мактабларида миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили ўқитувчиларига маошининг 50 фоизи миқдорида ойлик устама ҳақ тўланади.

ЖАРАЁН 5

2024 йил 22 октябрь, 213-сон

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ АСОСИ, МИЛЛАТИМИЗНИНГ ТАФАККУР ХАРИТАСИДИР





Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 35 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Тил орқали инсон кўнглини, туйғуларини, орзу-истакларини ифода этади. Шу маънода, инсон руҳияти ўзи сўзлайдиган тилга тобе бўлади. Ана шу руҳият шонли тарихдан, ёруғ келажакдан дарак беради. Ўзбек тилида тарихи минг йилликларга туташ "Алпомиш", "Кунтуғмиш" каби достонлар, "Қутадғу билиг", "Хамса" каби йирик асарлар яратилган. Она тилимизнинг чинакам маҳобатини кўрсатадиган "Девону луғотут турк"дай йирик лисоний луғати бор.

Мана шу саналган асарларнинг ўзиёқ давлатчилигимиз ва тилимиз бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда ривож топганини кўрсатади. Шу маънода, мустақиллик сари илк ташланган катта қадамлардан бири она тилимиз давлат тили мақомини олиши табиий эди. Ўша тарихий воқеага бу йил 35 йил тўлди.

Дарҳақиқат, она тилимиз азалий қадриятларимизни асрлар оша безавол сақлаб келмоқда. Бугун ер юзи аҳолисининг 50 миллиондан ортиғи ўзбек тилида сўзлашади. Бу шунча нуфусдаги инсонлар ўзбек тафаккурини, маънавий оламини дунёга ёймоқда дегани. Давлат тили байрами миллий тафаккуримизга улкан ҳисса қўшган бобокалонимиз, она тилимизни дунёга танитган, шоир, мутафаккир Ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди.

21 октябрь куни эрта тонгдан пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида буюк мутафаккир бобомиз ҳайкали пойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, турли вазирлик ва идоралар, ташкилотлар вакиллари, ёзувчи-шоирлар, талаба ёшлар, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари жам бўлди. Адиблар хиёбони ва бутун мамлакатимиз бўйлаб байрам тадбирлари кўтаринки руҳда давом этди.

Хусусан, пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида тантанали маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унга ёзувчи ва шоирлар, устозлар, олимлар, маънавият тарғиботчилари, талаба ёшлар таклиф этилди. Сарой фойесида ўзбек тили, унинг асосларига доир адабиётлар, она тилимизнинг тарғиботини кучайтириш борасидаги инновацион аудио-визуал лойиҳалар намойишига бағишланган кўргазмалар ташкил этилди.

Тадбир аввалида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тили байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригини Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди. Тантанали байрам тадбири куй-қўшиқ, саҳна чиқишлари билан давом этди.

Эътироф этиш керак, кейинги йилларда мамлакатимизда ўзбек тилининг мақоми ва нуфузини янада юксалтириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалан, кейинги йилларда кўплаб идоравий ҳужжатлар давлат тилига ўтказилди. Давлат тилида иш юритишга эътибор қаратилиб, идора ва ташкилотларда тил бўйича маслаҳатчилар фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, 100 мингдан ортиқ географик объектнинг номи давлат реестрига киритилди. Ҳудудлардаги 150 мингдан зиёд ташқи ёзувлар давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилди.

Тан олиш керак, шу пайтгача бу борада фақат тил жонкуяри бўлган саноқлигина зиёлилар бонг уришдан нарига ўтмасди. Бугун реклама, давлат тили борасидаги қонунлар амалда ишлай бошлади. Шунинг ўзиёқ одамлар, хусусан, тадбиркорлар орасида тилга бўлган муносабатнинг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Албатта, ишбилармон одам жарангдор ва оммани ўзига тортадиган ном топишни истайди. Давлат тилидаги шундай сўзларни топа олиши учун мутахассислар ишлаши керак бўлади. Шу каби масалаларга ечим бўлиши учун янги пайдо бўлаётган замонавий тушунчаларга ном бериш, сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритишни тизимли йўлга қўйиш мақсадида Атамалар комиссиясининг фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Қувонарлиси, бу борада аниқ илмий мезонлар ишлаб чиқилди.

Давлат тилининг мақоми, албатта, ҳар биримизга, унга бўлган муносабатимизга боғлиқ. Аммо давлат хизматчилари биринчилардан бўлиб бошқаларга намуна бўлмас экан, бунда бирор натижага эришиш осон кечмайди. Шу боис, ўтган йилдан эътиборан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тизими яратилди. Натижада бу тегишли ҳужжатларнинг давлат тили талабларига мос ва услубий жиҳатдан пухта тайёрланишига хизмат қилмоқда. Давлат хизматчиси, умуман, барчамиз жамиятда қонун асосида муносабатга киришар эканмиз, демак, аввало, ушбу ҳужжатларнинг ўзи тилимизга мувофиқ бўлиши керак эди.

Иш фақат шу билан чекланиб қолгани йўқ. Эндиликда раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг ўзбек тили бўйича билим даражасига ҳам баҳо берилмоқда. Бунинг учун миллий тест тизими жорий қилинди. Қисқа вақт ичида 3 мингдан зиёд талабгорнинг қарийб 1500 нафарига давлат тилини билиш бўйича сертификатлар берилди. Мазкур тизим иш бериши, ўзини оқлаши учун, албатта, кенг жамоатчилик, давлат тилини пухта ўзлаштиришига замин яратилиши керак эди.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан 58 номдаги қомус, луғат ва қўлланмалар кўп минг нусхаларда чоп этилди. Бу, албатта, давлат тили асосларини чуқур ва атрофлича ўрганишни таъминлашга хизмат қилади.

Глобал дунёда тил интернет, умуман замонавий технологияларга ҳам кўчгани бор гап. Ана шундай вазиятда она тилимиз ривожи учун қандай вазифалар бажарилмоқда?

Кейинги йилларда ўзбек тилини рақамлаштириш борасида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Масалан, ўзбекча матнларни сунъий интеллект ёрдамида қайта ишлаш ва ўзбек тилида мулоқот қилишга мўлжалланган "ақлли" дастур ишлаб чиқилди. Яъни "Ўзбек тили изоҳли луғати"нинг веб-сайти яратилди. Шу билан бирга, она тилимиздаги матнларни таҳрир қилиш, уларни лотин ва кирилл ёзувига ўгириш учун ҳам дастурлар мавжуд. Улардан ҳатто сўзларнинг луғавий маъносини топиш имкони бор. Бугун кўпчилик ушбу электрон дастурлардан амалиётда фаол фойдаланмоқда.

Юқорида бежиз достонлар, улуғ алломаларимиз асарларини тилга олмадик. Улар она тилимиз, миллий давлатчилигимиз билан бирга ҳаётнинг мураккаб синовларидан ўтиб, бизгача етиб келди. Энди олдинда янада жиддий бўлган синов, глобал дунёнинг ўзига хос жиҳатлари кутиб турибди. Бундай вазиятда ўзликни асраш, тилимизни ўз ҳолида келажак авлодга етказиш учун олдимизга муҳим вазифалар қўйилади. Президентимизнинг Ўзбек тили байрами муносабати билан йўллаган табригида илгари сурилган бир қатор ташаббуслар ана шундай мураккаб вазиятга муносиб ечим бўлди.

Жумладан, 2025 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим мактабларида миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили ўқитувчиларига маошининг 50 фоизи миқдорида ойлик устама ҳақ тўланади. Шу орқали она тилимиз фидойиларининг шарафли меҳнати муносиб рағбатлантирилади. Бу ўз-ўзидан жамиятда она тили ўқитувчиси, шу орқали давлат тилига бўлган муносабатда ҳам ижобий ўзгаришлар кўламини оширади.

Дарҳақиқат, тилимизнинг беқиёс имкониятларини юзага чиқариш, унинг нуфузини ошириш учун олдимизда ҳали кўплаб вазифалар турибди. Бунинг учун ҳар биримиз бирдек жон куйдиришимиз, уни Ватан шаъни каби ҳимоя қилиш кўникмасини янада мустаҳкамлашимиз керак. Чунки таъкидланганидек, тил миллатнинг руҳи, тафаккур харитасидир.

Зеро, давлат тили бутун жамиятни, тили ва миллатидан қатъи назар, барча фуқароларни ягона халқ сифатида бирлаштиради. Бу дунё халқлари тарихида бир неча бор ўз исботини топган ҳақиқат. Шу боис, халқимиз тил бирлигини дил бирлигига қиёслайди. Ана шундай нозик масалада кўпмиллатли Ўзбекистон ҳар доимгидай узоқни ўйлаб, вазминлик билан иш тутиб келмоқда.

Адолатли жамият қонунлари устуворлик қиладиган мамлакатда яратилади. Бундай жойда қонун барча учун тенг бўлади. Бугун юртимизда ҳам қонун устуворлигига жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, "Давлат тили ҳақида"ги қонун ҳам ҳаётимизга изчил татбиқ қилиняпти. Юқорида келтирилган рақамлар, бу борада амалга оширилган ишлар фикримиз далилидир.

Бундан кейин ҳам мазкур йўналишдаги ишлар изчил давом этиши шубҳасиз. Бу борада аниқ режалар белгилаб олинган. Масалан, барча таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёт фанларини ўқитиш тизими янада такомиллаштирилади. Шу орқали таълим сифатини оширишга эришиш кўзланмоқда. Бундан ташқари, телерадиоканаллар ва интернет сайтларида давлат тилини ўрганишга ёрдам берадиган дастурларнинг сони ва эфир вақтларини кўпайтириш, мустақил тил ўрганувчилар учун қўшимча адабиётлар, луғат ва қўлланмалар нашр этишга доимий эътибор берилади. Бу ҳам жамиятда қонун устуворлиги, давлат тилига оғишмай амал қилишдаги ислоҳотларни жадаллаштиради.

Қолаверса, рақамли маконда давлат тилини кенг жорий этишга мўлжалланган ишлар янги босқичга кўтарилади. Ўзбек тилини ахборот технологиялари соҳасидаги йирик дастурлар тили қаторига киритиш чораларини кўриш ҳам долзарб вазифамиз бўлиб қолади. Буларнинг барчаси бир мақсад, янги Ўзбекистонни яратишга бир халқ, ягона миллат бўлиб жипслашамиз, тил бирлиги орқали дил, тафаккур ва мақсад бирлигига хизмат қилади.

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



Шукуҳ



Халқаро тадбир

БЕТАКРОР ТАРИХ, УЛКАН САЛОҲИЯТ ВА ҚУДРАТЛИ АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ВОРИСЛИК ҲИССИ



Пойтахтимизда "Шарқ Ренессанслари феномени: салтанатлар, динлар, шахслар ва тамаддунлар" мавзусида маданий мерос ҳафталиги бўлиб ўтмоқда

Мамлакатимизнинг ўзига хос тарихи, бой маданий мероси қадимийлиги, жозибадорлиги бутун дунё олимлари эътиборини тортиб келаётир. Шу йил 18 октябрь куни пойтахтимизда иш бошлаган халқаро маданий мерос ҳафталиги буни яна бир карра исботлади. Нуфузли тадбир халқаро билим алмашишни мустаҳкамлаш, хорижлик ҳамкорлар билан янги қўшма лойиҳаларни тасдиқлаш, мамлакат маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштиришни назарда тутгани билан аҳамиятли.

Мазкур тадбир шу йил Самарқандда ўтказилган VIII конгресс доирасида бошланган ва тасдиқланган қатор йирик лойиҳаларнинг мантиқий давомидир. Унинг доирасида конференциялар, семинарлар, форумлар, кўргазмалар ва тақдимотлар ташкил этиляпти. Аҳамиятлиси, унда 100 дан ортиқ хорижий олим ва мутахассис, жумладан, халқаро маданий ташкилотлар раҳбарлари, чет эл музей ва кутубхоналари бошқарувчилари иштирок этмоқда.

Ҳафталикнинг биринчи иш куни жуда қизғин кечди. Германия, Франция, Япония, Туркия, БААдан келган олимлар маърузалари билан қатнашди. Очилиш маросимида юртимизда маданий меросни ўрганиш ва сақлаш саъй-ҳаракатлари, шунингдек, таълим дастурларини жорий этиш ва WOSCU конгрессларини ўтказиш каби ташаббуслар ёритилган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

— Тадбир қадимги ва бугунги Ўзбекистон тарихи даврларини қамраб олгани билан аҳамиятли. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Ўзбекистонда Ислом цивилизацияси" номли мегалойиҳа тақдим қилинади. Моҳиятига кўра, бу лойиҳа яқин келажакда Ўзбекистон тарихи, маданияти, алломалар меросини тизимли равишда, аввало, ўзимизга, қолаверса, дунё халқларига намойиш этадиган муҳим лойиҳадир. Шунинг учун у кўплаб хорижий мутахассисларни ўзига жалб этяпти, — деди Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов.

Бунинг исботи ўлароқ, Япониядаги Михо музейи махсус илмий ходими, фан доктори Сергей Лаптев юртимизда қадимдан то ҳозиргача муомалада бўлган пул бирликлари бўйича илмий изланишлар қилаётганини айтиш жоиз. Тадбирдаги ажойиб маърузасидан сўнг унинг фаолияти, тадқиқотлари моҳияти билан қизиқдик.

— Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёнида маданий меросни ўрганиш ва халқаро миқёсда оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти, — дейди Сергей Лаптев. — Ўзбекистон маданий мероси нафақат бу заминнинг, балки бутун инсониятнинг мероси дейиш мумкин. Чунки Ибн Сино, Хоразмий, Берунийнинг кашфиётлари жаҳон илм-фани ривожида алоҳида ўрин тутади. Юртингизда барпо этилаётган Ислом цивилизацияси маркази нафақат илмий, балки цивилизациялар, конфессиялараро мулоқот маркази бўлиб, дунёда унинг муқобили йўқ, десак хато бўлмайди. Дунё олимлари унинг контентини бойитишга катта қизиқиш билан қараб, қатор таклифлар билдиряпти. Таъкидлаш жоиз, бу жуда ноёб лойиҳа.

Марказнинг илмий салоҳиятига эса алоҳида тўхталиш жоиз. Нумизматика йўналишидаги илмий изланишларим бўйича ҳамкорлик қилиш жараёнида бу ердаги илмий салоҳият ниҳоятда баланд эканига амин бўлдим. Мен марказ кўргазмаларида намойиш этиладиган тарихий



ахамиятга эга нумизматика коллекциялари устида ишлаяпман. Лойиҳамни тадбир давомида тақдимот қилмоқчиман. Тадқиқотлар давомида тушуниб етдимки, бу ердаги тангаларда ҳам ўзига хос шарқона тарбия ва ахлоқий жиҳатлар акс эттирилган. Бундай тангаларга бефарқ бўлмаган юртдошларингиз кўплиги эса бунёд бўлажак марказнинг янада гавжумлигини таъминлайди.

Ҳафталикнинг иккинчи кунида "Ислом — тинчлик ва эзгулик дини" мавзусида халқаро илмий-маданий симпозиум ҳамда "Ўзбекистон ўрта аср Қуръонлари" ва "Имом Бухорий инновацион музейи" лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбекистондаги Қуръони каримнинг турли даврларда кўчирилган нусхалари билан боғлиқ лойиҳа доирасида иштирокчилар бир-биридан қизиқ, янги маълумотларга эга бўлди. Шу куни ташкил этилган "Қуръон: тинчлик, эзгулик ва маънавий уйғониш ёғдуси" махсус кўргазмада иштирокчилар Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий музейлари экспонатлари билан танишиш имконига эга бўлди. Кўргазмада, шунингдек, марказ кутубхонасида сақланаётган Қуръонлар ва таниқли хаттотлар томонидан кўчирилган Усмон Мусҳафи нусхаси ҳам тақдим этилди. 7 йил давомида замонамизнинг машҳур хаттоти, "Парвин қалам" халқаро мукофоти соҳиби Ҳабибулло Солиҳнинг шогирди Абдулғофур Ҳақберди томонидан кўчирилган Қуръон нусхаси алоҳида эътибор тортди. Зеро, мазкур Қуръон қоғозлари ўзига хос, муқовалари теридан тайёрланган. Чет элликлар бундан ҳайратланиб, уни хорижда ҳам нашр қилишга қизиқиш билдирди.

Дастлаб нутқ сўзлаган Турк қўлёзмалари бошқармаси президенти Жошкун Йилмаз қадим маданий меросимизга оид хушхабарни айтди. У бошқараётган ташкилотга қарашли Сулаймония кутубхонасида ўта нодир китоб — Олтин Ўрда ҳукмдори Ўзбекхон томонидан 1318 йилда кўчиртирилган Қуръони карим қўлёзмаси сақланади. Яқин келажакда Ислом цивилизацияси маркази ва Сулаймония кутубхонаси ҳамкорлигида ушбу китобнинг факсимиле нусхаси чоп этилади.

Йилмаз Ислом цивилизацияси марказига Имом Бухорийнинг дунёдаги энг эски ва тўлиқ ҳадислар тўплами факсимиле нусхасини совға қилди.

— Ушбу ҳафталикда Ўзбекистоннинг қўлёзма Қуръонлари лойиҳаси билан иштирок этяпман. Улар бизни илҳомлантириб, тадқиқот қилишга ундамоқда. Зеро, мусулмон олимлари яратган асарлар бугунги кунда тадқиқотчиларни ниҳоятда қизиқтирмоқда. Айтиш мумкинки, исломшунослик бўйича Ўзбекистон ўзининг алоҳида йўналишига эга. Ислом оламида яратилган илмий-маънавий мероснинг аксарияти Ўзбекистонга дахлдор, — деди Франция Миллий илмий-тадқиқотлар маркази ижрочи директори, исломшунос олим Карим Ифроқ.

Ҳафталик доирасидаги "Учинчи Ренессанс пойдевори — янги Ўзбекистон", "Маърифат нури: XIX-XX асрлар адабий ва илмий-маданий ислоҳотлари" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбирда "Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс: маъно-моҳияти, зарурати ва муштараклиги", "Таълим ва тарбия — Учинчи Ренессанс пойдевори", "Жадидлар илм-маърифат ва маънавий меросининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти" каби кўплаб мавзулардаги чиқишлар тингланди. Шунингдек, "Шавкат Мирзиёев жаҳон миқёсидаги давлат ва сиёсат арбоби", "Ўзбек модерн адабиёти" китоблари тақдим этилди.

Ўн кун давом этадиган маданий мерос ҳафталиги доирасидаги кўргазмалар пойтахтимиздаги 8 та илмий майдонда бир вақтнинг ўзида очилиши режалаштирилган. Жумладан, Ислом цивилизацияси марказида "Тарихий фикр дурдоналари", Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида "Асрлар хазинаси: Ўзбекистон қўлёзма мероси" кўргазмалари, Темурийлар тарихи давлат музейида тематик кўргазма, Кинематография тарих музейида ҳам махсус кўргазмалар ўтказилади.

— Ўзбекистон тарихи давлат музейида ҳам 23 октябрдан бошлаб исломгача бўлган даврга оид халқаро форум бўлади, — дейди Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова. — Унда халқаро миқёсдаги 15 дан ортиқ илмий лойиҳани кўрамиз ва якуний таҳлил қиламиз. Халқаро ҳамкорларимиз билан шартномалар имзолаймиз. "Археология ва этнография дурдоналари" кўргазмаси очилади.

Кўргазма Тошкент тарихи музейида бўлишининг сабаби шуки, XIX аср ўрталари — XX аср бошларидаги ўзбек хонадони кўриниши шу ерда шакллантирилган. Унда ўзбек хонадони қандай бўлгани, ўзбеклар қандай яшагани, уй архитектурасидан тортиб, ҳовлидаги ҳар бир нарсага таъриф берилади. Кулоллик, кандакорлик, миллий либосларимиз намойиш этилади. Хуллас, бу ерга кирган инсон XIX асрда маҳаллий аҳолимизнинг турмуш тарзи, ҳунармандликда қанақа ютуқларга эришгани ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади.

Ҳафталик кўплаб хорижий ҳамкорларимиз билан яна бир бор учрашиш имконини берди. Улар билан биргаликдаги ҳар бир ишимиз аждодларимиздан қолган меросни кенг ўрганишимизга хизмат қиляпти. Хорижликлар ўзларида сақланаётган мероспарларимизни олиб келиши ва биргаликда ўрганишимиз жуда катта натижа.

Юртдошларимиз кўриб, баҳра олиши мумкин бўлган мазкур кўргазмалар уларни ҳам бир муддат мозийни, ўзлигимизни англашга, маданий меросимизни асраб-авайлашга ундайди. Зеро, мана шундай тадбирлар орқали хорижликлар нега тарихимиз, маънавий-маданий меросимизни бот-бот эътироф этаётганини ҳам чуқурроқ ҳис қиламиз.

Муножат РАҲИМЖОН қизи,
журналист

Она тили софлигини сақлаш фақат тилшуносларнинг иши эмас, ўзини “ўзбекман”, “шу юрт фарзандиман”, “жамиятда ўрним бўлиши керак” деган ҳар бир юртдошимиз, тилдошимизнинг зиммасидаги шарафли ва масъулиятли ишга айланиши шарт.

2024 йил 22 октябрь, 213-сон

Маънавият сарчашмаси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

official yuz.uz_news yuz

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ БАРЧА СОҲАДА АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

доимий, муддат билмайдиган вазифадир





Бугун дунёни қайта эгаллашда куч-қудрат, қурол-яроқдан кўра, муайян ғоядан, яъни тил воситаларидан усталик билан фойдаланиш тобора устувор аҳамият касб этмоқда. Жаҳон тилшунослигида “тил империализми” деган тушунча пайдо бўлди. Шундай бир паллада ўзбек тилини асраб қолиш учун нималар қилишимиз керак? Нима қилсак тилимизни янада ривожлантирамиз, нуфузини оширамиз каби саволларга жавоб олиш учун бу борада узоқ йиллардан буён изланиб, меҳнат қилаётган соҳа фидойиларига юзландик.

— Концепцияда умумий ўрта таълим муассасаларида ўзбек тилини ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ўзбек тили бўйича машғулот ва дарс соатларини кўпайтириш, таълимнинг барча босқичида давлат тили ўқитилиши ҳамда ўзбек тили ва адабиётини янада ривожлантириш борасидаги илмий, илмий-амалий изланишлар кўламини кенгайтириш каби вазифалар белгиланган. Шу маънода, она тилини ўқитиш борасида ҳам янги методикалар яратилдими?

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ:

— Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳамда Республика таълим маркази билан ҳамкорликда она тили ва адабиёт фанини ўқитиш методикасини миллий ва халқаро тажриба асосида такомиллаштириб, таълим жараёнига замонавий тенденцияларни татбиқ этиш борасида муҳим ишлар бажарилмоқда. Хусусан, умумтаълим мактаблари учун “Миллий ўқув дастури” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа асосида 1-, 2-, 3-синфлар учун “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” дарслиги ҳамда ўқув-услубий мажмуаси, 6-, 7-, 10-синфлар учун “Она тили” дарслиги, ижод мактабларининг 7- ва 8-синф ўқувчилари учун “Она тили” дарслиги, 5-синфлар учун “Она тили” дарслиги, шунингдек, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар тайёрланди. Дарслик асосида ишлаб чиқилган “Ўқитувчи китоби”да ўтилаётган нутқий мавзулар доирасида қандай малака талаблари қўйилгани, бунда қайси жиҳатларга эътибор бериш лозимлиги, машқ ва топшириқларни бажариш билан боғлиқ методик йўл-йўриқлар, дарсни қандай технология асосида ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар берилган. Мазкур дарсликлар ўқувчиларнинг нутқий вазиятларда она тилимиз кенг имкониятидан ўринли ва самарали фойдаланиш, тил орқали борлиқни англаш, креатив ва танқидий фикрлаш, саводхонлик кўникмасини шакллантиришга қаратилган. Муҳими, улар турли инновацион топшириқлар асосида тайёрланган. Бу жараёнда танланган матнларнинг бола ёши, диди ҳамда қизиқишига мос келиши ҳисобга олинган.

Умуман, фармонда белгиланган вазифалар ижроси университетда босқичма-босқич амалга оширилди. Жумладан, ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитиш методикаси қайта кўриб чиқилди. Тил ва адабиётни ўқитиш бўйича хорижий тажрибалар ўрганилди ва таҳлил қилинди. Хорижий тажрибалар асосида она тили (ўзбек тили) ва ўзбек адабиёти фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси ишлаб чиқилди. Айни методикаларни такомиллаштириш бўйича изланишлар уч йўналишга бўлинган ҳолда олиб борилаётир. Яъни ***она тилини ўқитиш методикаси, ўзбек тилини (давлат тили ва хорижий тил сифатида) ўқитиш методикаси, ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси*** тарзида.



— Давлат тили ҳақидаги қонун талабларини нечоғлик бажара оляпмиз?

Саодат МУҲАММЕДОВА:

— Тил борасида ютуқларимиз билан бирга муаммоларимиз ҳам мавжуд. Масалан, “Давлат тили ҳақида”ги қонун ижроси билан боғлиқ айрим ҳолатларга тўхталсак.

Ўтган даврда қонун моддаларида белгиланган чоратадбирлар, асосан, ўз муддатида бажарилди. Ўзбекистон ҳудудида ўзбек тилида иш юритишга ўтилди. Юртимизнинг барча ҳудудида — туманлар, мавзелар, кўчалар, маданий истироҳат боғлари, ерости қатнов йўлларию метро бекатлари ўзбекона номланди. Аммо ҳали-ҳануз “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 20-, 21-, 22-моддалари ижроси бўйича айрим камчиликлар, бажариш зарур бўлган вазифалар бор. Мамлакатимиздаги катта ҳажмдаги ёзувларни ўрганиш мақсадида ёш ўқитувчи ва талабалардан “Тил тарғиботи” гуруҳи туздик ва жойлардаги ёзувларни ўргандик. Нотўғри ёзилган ёзувлар кўплиги бўйича Тошкент шаҳри биринчи ўринни эгаллади. Бу ёзувларнинг барчасини тўрт гуруҳга бўлиб тасниф қилдик.

Биринчиси, кўча ва маҳалла номларини билдирувчи ёзувлар. Муайян ташкилотлар назорат қилиши сабабли бу ёзувларда имловий ва услубий хатолар деярли учрамади.

Иккинчиси, савдо-сотиқ, аҳолига турли хизматлар кўрсатувчи, умумий овқатланиш, тўйхона каби объектлар номини билдирувчи ёзувлар. Бу ёзувларда имловий, ҳам услубий хатолар жуда кўплиги кузатилди. Уларнинг кўпи европача ном билан номланган (ҳолбуки, аксарияти бренд дўконлар эмас). Ўзбек тилида 80 мингта сўз ва ибора мавжуд бўлгани ҳолда объект эгалари уларга ўзбекча ном “топа олмаган”.

Учинчиси, тижорий мазмундаги реклама ва турли эълонлар матни ёзилган катта ҳажмдаги ёзувлар. Энг катта муаммо айнан шу гуруҳдаги ёзувларда кузатилди. Жуда кўп ўринларда қонуннинг 20-моддасига, яъни ёзувлар, аввало, давлат тилида берилиши, кейин бошқа тилларга таржима қилиниши зарурлигига амал қилинмаган. Уларнинг кўпи рус ва инглиз тилларида ёзилган. Ўзбекча таржималари ҳам услубий хатоларга тўла. Тўғридан тўғри таржима қилингани туфайли мантиқий хатоликлар ҳам кўп. Ахир нима учун бошқа қонунлар моддаси бузилса, жазо чоралари қўлланади, бироқ тил ҳақидаги қонун моддалари бузилса, жим туришимиз керак?!

Қонуннинг барча моддаси амалда бўлишига ҳар биримиз жон куйдиришимиз, масъул бўлишимиз керак, деб ўйлайман. “Давлат тили ҳақида”ги қонунни амалга ошириш кенг жамоатчилик ишидир. Демак, ўзбек тилини ҳаётнинг барча соҳасида амал қилишини таъминлаш доимий, муддат билмайдиган вазифадир. Зеро, қайси соҳада бўлмасин, қонун муҳокама қилинмайди, балки сўзсиз бажарилади.

Абдулҳай СОБИРОВ:

— Тилимиз нуфузи борасида гап кетганида “Давлат тили ҳақида”ги қонун талабларини тўла бажаряпмизми, деган савол пайдо бўлади. Бизнингча, олдинда қиладиган ишимиз кўп. Биринчи галда аҳоли ўртасида давлат тилини кенг кўламда тарғиб қилишимиз, юртдошларимизда миллий ғурур, ўз тилидан фахрланиш туйғусини ривожлантириш зарур.

Шунингдек, она тили софлигини сақлаш фақат тилшуносларнинг иши эмас, ўзини “ўзбекман”, “шу юрт фарзандиман”, “жамиятда ўрним бўлиши керак” деган ҳар бир юртдошимиз, тилдошимизнинг зиммасидаги шарафли ва масъулиятли ишга айланиши шарт.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Муножат МЎМИНОВА суҳбатлашди.

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, академик:

— Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида инглиз тилшуноси Роберт Филлипсоннинг “Тил империализми” китоби нашр этилди. Шундан сўнг “тил империализми” деган тушунча кўплаб тадқиқотчилар эътиборини тортди. Тил империализми кўпинча маданий империализм контекстида кўринади. Аммо унинг ўзига хос жиҳатлари бор, албатта. Бунда муайян бир тилга ва унда сўзловчиларга кучли босим ўтказилади ҳамда тилнинг айрим хусусиятлари атайлаб камситилади. Охир-оқибат тилнинг яшовчанлиги сусаяди. Яшовчанликни таъминлашда тилнинг ўз ёзуви, кўп сонли сўзлашувчилари, давлат тили мақомига эга бўлиши долзарб аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ахборот-коммуникация, рақамли технологияларда, интернет тизимида қўлланиши ҳам муҳим. Шулардан келиб чиқиб бугун ўзбек тилига нисбатан “тил империализми остидаги тил” тушунчасини қўллаб бўлмайди. Чунки биринчидан, дунёда 7 мингга яқин тил ва лаҳжа бўлса-да, улардан 400 га яқини ёзув системасига эга. Ўзбек тили лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига эга.



Иккинчидан, ўзбек тилининг йўқолиш хавфи йўқ. Бу тилда дунё миқёсида 50 миллиондан зиёд одам сўзлашади.

Учинчидан, жаҳонда 178 тил давлат тили мақомига эга. Ўзбек тилининг ҳам шундай нуфузи бор. Давлат тили мақомига эга бўлиш шу тил сўзлашувчилари учун ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, тарихий, ҳуқуқий аҳамият касб этади. Давлат тили мамлакатнинг худди бошқа рамзлари-дек миллий яхлитлик ва бардавомликни таъминловчи асосий воситадир. Аммо жаҳон тажрибасига кўра, давлат тили мақомига эга бўлиш тилни йўқ бўлиш хавфидан муайян даражадагина қутқариши мумкин. Чунки удмурт, чукот, чечен тиллари давлат тили мақомига эга бўлса-да, йўқ бўлиб кетиш хавфи мавжуд. Сабаби одамлар бу тиллардан кенг фойдаланмайди. Кенг қўлланишдаги “нуфузли, қудратли” тилларга устунлик берилиши оқибатида бу тилларда таълим олмай қўйилган. Шундай вазиятни Ўзбекистонда ҳам қисман кузатиш мумкин. Бугун одамлар фарзандлари учун қандайдир устунликлар ва ижтимоий мавқе тақдим қиладиган тиллар сифатида хорижий тилларга кўпроқ эътибор бермоқда. Шунинг учун айримлар мулоқот, таълим учун бошқа тилларни танламоқда. Бундан ташқари, мактаб ва университетларда ўқитилаётган “алоҳида нуфузга эга тиллар”га лавозим пиллапояларидан кўтарилиш гарови сифатида қаралади.

Тўртинчидан, интернет тизимида ўзбек тилининг қўлланиши борасида ҳам муайян ишлар бажарилди. Хусусан, интернет саҳифаларида ўзбек тилида маълумотлар берилмоқда. Ёзишмалар қилиняпти, она тилимизда фаолият юритаётган сайт ва порталлар, ижтимоий тармоқлар мавжуд. “Википедия” кундан кунга ўзбекча маълумотлар билан тўлдириб борилмоқда. Бироқ бу соҳада ҳам қиладиганларимиз кўп. XXI асрнинг биринчи чораги ўтиб бораётган бўлса-да, ўзбек тили ҳақиқий ахборот-коммуникация, рақамли технологиялар, интернет тили даражасига кўтарилгани йўқ. Чунки ҳали-ҳануз ўзбек тилини компьютер “танимайди” (бу кўпроқ алифбо билан боғлиқ). Компьютер лингвистикасида “компьютернинг тилни таниши” деган тушунча мавжуд. Бунда компьютер тилни “таниши” мазкур тилнинг компьютер тили, интернет тили бўлишини кафолатлайди. Мана шу улкан вазифани бажара олсак, ўзбек тили ҳеч қачон йўқолмайди. Қайси тил интернет тилига айланмас экан, ҳамиша унинг олдида йўқолиш хавфи тураверади.

Демак, ўзбек тилини асраб қолиш, бутун бойлиги, нафосати билан келажак авлодга қолдириш учун тил яшовчанлигини таъминлаш, ёзувни асраш, такомиллаштириш, кўп сонли сўзлашувчиларга эга бўлиш (бу борада кўрсаткичимиз анча яхши), давлат тили мақомини асраш, ўзбек тилининг давлат тили, илмий тадқиқотлар, санъат, маданият ва таълим тили сифатидаги нуфузини янада ошириш, ахборот-коммуникация, рақамли технологияларда, интернет тизимида қўлланишини кенгайтириш лозим. Энг муҳими, ўзбек тилини асраб қолиш ва ривожлантириш учун нафақат зиёлилар ва олимлар, балки барча ўзбекистонлик, хусусан, мутасаддилар ҳам жон куйдириши, қайғуриши зарур.

Ўзбек тили ҳеч қачон йўқолмайди. Қайси тил интернет тилига айланмас экан, ҳамиша унинг олдида йўқолиш хавфи тураверади.

Саодат МУҲАММЕДОВА, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори:



— Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг замонавий методикасини яратмай, яъни ёш авлодни янги, замонавий методикалар асосида ўқитмай туриб, таълимнинг барча турида давлат тилини ўқитиш, она тилимизнинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш мумкин эмас.

Албатта, бу борада она тили методикаси муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, она тили фанини ўқитишни такомиллаштириш ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий масаладир.

Она тили фанидан ишлаб чиқилган “Миллий ўқув дастури”даги энг асосий ўзгаришлардан бири **она тили таълимида лингвистикага оид назарий билимларнинг амалий табиатли нутқий компетенциялар устида ишлашга йўналтирилганидир.** Бунда она тили бутун борлиқни: табиат, жамият, фанларни, ўзликни англаш ва ўрганиш воситасига айлантирилади. Ўқувчи фанни ўзлаштириш жараёнида тилдан турли ижтимоий муносабатларда тўғри ва ўринли фойдаланишни ўрганади. Математика, физика, кимё, биология, география, иқтисодиёт, жамиятшунослик каби фанларни ўзлаштиришда тил омилини ҳис қилади. Муайян соҳа мутахассисига айланганида мактабда олган билим, кўникма ва малакасидан фойдаланиб, ўзбек тилида иш юритиш, нутқ сўзлаш, турли услубларда ёза олиш, қарашларини эркин ифодалаган ҳолда фикрини бошқаларга турли шаклларда самарали тарзда етказиш, энг муҳими, теран фикрлашни билади.

Шунингдек, бу жараёнда ўзга миллат вакиллари ва хорижликларга ўзбек тилини ўқитиш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Университетимиз олимлари мактаб ўқитувчилари ҳаммуаллифлигида **“Ўзбек тили” дарсликларининг (5-10-синфлар учун)** янги авлодини яратди. Дарсликлар янгидан ишлаб чиқилган миллий дастур асосида тузилган. Улар фанни ўқитиш концепцияси, ўқув дастури, баҳолаш мезонлари ва ўзбек тили фанини ўқитиш методологиясини ўз ичига олган яхлит ҳужжат сифатида ўқитувчиларга “Фанни нима учун ўқитамиз? Қандай ўқитамиз? Нималарни ўқитамиз? Қандай баҳолаймиз?” сингари муҳим саволларга жавоб топиш имконини беради. Фанни ўқитиш самарадорлигини таъминлайди. Ўзбек халқи тарихи, маданияти акс эттирилган мавзулар воситасида ўзга тилни ўқувчиларда ўзбек тили ва маданияти, урф-одатларига қизиқишни ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, ўзбек тили фани учун дарслик, ўқитувчи методик қўлланмаси, ўқувчи иш дафтари ҳам ишлаб чиқилди. Дарсликлардаги матнлар, луғат, шеърлар, мақоллар ва тез айтишлар аудио шаклида (QR-kod) тингланади.

Университет олимлари томонидан ўзга миллат вакиллари учун ўзбек тилини ўрганишни осонлаштиришга қаратилган **“Русча-ўзбекча сўзлашгич”** яратилган бўлиб, уни тижорийлаштириш имконияти мавжуд.

Абдулҳай СОБИРОВ:

— Ўзбек тили софлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бутун миллатимизнинг бош вазифасидир. Бу борада кенг кўламдаги ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Андижон давлат университети, Андижон давлат чет тиллар институти, Андижон давлат педагогика институтидаги факультетлар, ўзбек тили ва адабиёти кафедраларида ўзбек тилининг назарий ва амалий масалалари бўйича тегишли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аввал мутахассислик йўналишлари, илмий кенгашлар фақат пойтахтда бўларди. Ҳозир вилоятларда ҳам илмий семинар ва кенгашлар фаолият юритмоқда. Лингвистика (ўзбек тили), адабиётшунослик (ўзбек адабиёти), фольклоршунослик ва диалектология, ўзбек тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти (қирғиз тили ва адабиёти) мутахассислиги бўйича магистратура очилган. Жорий йилда компьютер лингвистикаси таълим йўналишига абитуриентлар ўқишга қабул қилинди. Андижон луғатшунослик ва таржимашунослик амалий-илмий инновациялар маркази томонидан умумтаълим мактабларида ўқитиладиган физика, математика, кимё, алгебра, информатика ва ахборот технологиялари каби фанлардан 11 тилли 37 номдаги расмли, аудио-видеоли атамалар луғатлари яратилди. Илк бор “Сунъий интеллект луғати” чоп этилди. Бундай ишлар барча олий таълим муассасасида бажариляпти. Ҳамма жойда бирдек илмий муҳит яратилмоқда. Бу тез орада ўз самарасини бериши табиий.

Абдулҳай СОБИРОВ, Андижон давлат университети профессори, филология фанлари доктори:



— Бугун ўзбек тилини асраш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Тилимизнинг мамлакат ичи ва ташқи майдондаги нуфузини юксалтириш бўйича халқаро талабларга тўла жавоб берадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тизимини яратиш лозим эди, бунга эришдик. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ушбу оламшумул вазифани тўла-тўкис бажаришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясида тилимиз ҳимояси йўлида қилишимиз зарур бўлган барча иш аниқ-тиниқ белгиланган. Ўша вазифаларни тўла-тўкис бажаришимиз она тилимизнинг қанчалик жонкуяри эканимизни кўрсатади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 3677
41218 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 23:45 Топширилди — 02:30

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.